

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ф.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲОШИМХОНОВ МЎМИН

**БОБОРАҲИМ МАШРАБ ВА XVII-XVIII АСРЛАРДА ИЖТИМОИЙ-
АХЛЮҚИЙ ФИКР РИВОЖИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации (DSc) доктора наук

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ҳошимхонов Мўмин

Бобораҳим Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий
фикр ривожини..... 5

Хошимхонов Мумин

Бабараҳим Машраб и развитие социально-нравственных взглядов
в XVII-XVIII веках 39

Khoshimkhonov Mumin

Boborahim Mashrab and development of the social and ethical thought in the XVII-
XVIIIth Centuries 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 74

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ф.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲОШИМХОНОВ МЎМИН

**БОБОРАҲИМ МАШРАБ ВА XVII-XVIII АСРЛАРДА ИЖТИМОИЙ-
АХЛОҚИЙ ФИКР РИВОЖИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.DSc/Fal.12. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ik-falsafa@nuu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тураев Бахтиёр Оманович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуритдинов Маҳмудхўжа
фалсафа фанлари доктори, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Қодиров Муҳаммаджон
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.09.02 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(20 ___ йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ш.С.Кушаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари маънавий меросининг такрорланмас хазинаси ҳисобланган Шарқ алломалари интеллектуал бойлиги бугунги кунда нафақат ислом дини учун, балки бутун инсониятнинг маънавияти, маданиятининг ривожланишига, умуминсоний кадриятларни бойитишга хизмат қилмоқда. Шундай мутафаккирлардан бири Бобораҳим Машрабдир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдиришда Машраб ва у яшаган даврда ўтган улуғ мутафаккирларимизнинг умуминсоний ғояларини ифода этувчи илғор фикрлари башарият гуманистик ва ахлоқий тафаккури ривожига таъсир этувчи маънавий меросдир. Бу зотларнинг ижтимоий-фалсафий меросини ўрганишнинг аҳамияти шундаки, бу улуғ зотлар дунёвийликни ҳам, илоҳийликни ҳам бирга уйғунлаштира олган мутафаккир эдилар.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиёти тарихида Бобораҳим Машраб ва унинг замондошлари бўлган мутафаккирларнинг фалсафий ғояларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан илмий-назарий тадқиқ этиш ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда, уларни ахлоқий юксалтиришда, турли хил ёт ғоялардан сақлашда, ғоявий таҳдидлардан асрашда ҳамда улар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу тадқиқот жаҳон машрабшунослиги тараққиётида, Бобораҳим Машраб меросидан ахлоқий тарбияда фойдаланишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида “Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш”¹ даврнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, Шарқнинг улуғ мутафаккир алломалари қолдирган ижтимоий-маънавий меросга бўлган эътибор кучайиб, мутафаккирларнинг жаҳон ижтимоий фикр тараққиётига қўшган ғоялари, фалсафий, ахлоқий, сиёсий, диний, маънавий-маърифий қарашлари халқимиз ихтиёрига қайтарилди. Шундай мутафаккирлардан бири Бобораҳим Машраб бўлиб, унинг мероси жаҳон миқёсида гуманизм ва ахлоқий кадриятларга содиқлик, комил инсонни тарбиялаш каби ғояларининг мазмун-моҳиятини илмий нуқтаи назардан ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон “2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, Ўзбекистон

¹ Мирзиёев Ш.М. “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори / Халқ сўзи. 2018 йил, 15-май.

Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократия ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш йўналиши” доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Шарқ халқлари ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини, у ерда яшаб ижод этган улуғ шоир ва мутафаккирларнинг қолдирган меросини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Indiana University of Bloomington (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), University of Bonn (Германия), Gallimard-Parij (Франция), Институт востоковедения РАН (Россия), Санкт-Петербург (Россия), University of Tehran (Эрон), Istanbul Universitesi (Туркия), Jawaharlal Nehru University (Ҳиндистон) ва Baki Dövlət Universiteti (Озарбайжон), Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон), Жиззах давлат педагогика институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида Бобораҳим Машраб фалсафий мероси, хусусан, унинг “Мабдаи нур” тасаввуфий асарини ва мутафаккир шоирнинг ўлмас фалсафий ғазалларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Бобораҳим Машраб ҳаёти, унинг фалсафий асарлари таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган, жаҳон фондларида мавжуд кўлёзма ва тошбосма нусхалари асосида “Мабдаи нур”нинг турли вариантлари яратилган (Ўзбекистон фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти) (Ўзбекистон) жаҳон фалсафасида “Мабдаи нур” ва мутафаккир шоир Машрабнинг оташин шеърлари, ғазал ва мухаммаслари асосида бир қатор тадқиқот ва изланишлар олиб борилмоқда. “Мабдаи нур” туркум фалсафий шеърларининг яратилиш тарихини тадқиқ қилиш; уларнинг илмий-танқидий матнини тузиш; асарларини таржима қилиш ва мумтоз тарихий-фалсафий манбаларининг илмий-танқидий матнини тўла илмий кўрсаткичлар асосида тавсифлаш.

Глобаллашган дунёда мутафаккир ижодинининг ижтимоий-фалсафий қирраларини назарий жиҳатдан очиб беришда, унинг ғоявий йўналишлари

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.universityofcalifornia.edu, www.harvard.edu, www.indiana.edu, www.intl.aks.ac.kr, www.uni-bonn.de, www.uio.no/english, www.univie.ac.at/en, www.vu.lt, www.bsu.edu.az, www.kaznu.kz. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мутафаккир ижодининг прогрессив тараққиётга таъсири, унинг шеъриятидаги ўзига хос гуманистик хусусиятлари, умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиниши, глобал техноген цивилизация шароитида ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихий-маданий ва маънавий меросга оид концептуал масалалар, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг халқимиз маънавий тафаккурининг тикланиши, унинг ўтган улуғ аждодларга муносиб ворис бўлиб тарбиялаш ҳақидаги фикрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маънавий меросимизни қадрлаш ва юксалтириш ҳақидаги асарлари баркамол авлод тарбиясини амалга оширишда илгари сурилган фикрлар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Хорижлик шарқшунос, тарихчи олимлар, В.Л.Вяткин³, Н.И.Веселовский, Н.С.Ликошин, У.Е.Остроумов, Ҳерман Вамбери, М.Ҳартман, А.П.Хорошхин, Н.А.Пантусов, Л.Миронова, С.Улудоғ мутафаккир Машраб ижодининг баъзи жиҳатларини тадқиқ қилганлар.

Ўзбекистонлик шарқшунос олимлар ўрганилаётган мавзунинг фалсафий илдизларини тадқиқ этишда Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий, Муҳаммад Бадеъ Малехо, Саид Ҳакимхонтўра, А. Абдуғафуров, В. Абдуллаев, Ғ. Ғулум, А. Ҳайитметов, И. Султон, И. Абдуллаев, Фитрат, М. Зокирий, Ж. Юсупов, Н. Комилов, Ғ. Саломов, И. Ҳаққулов, В. Раҳмонов ва бошқаларнинг илмий ишларига⁴ муносабат билдирилди. Машрабнинг ижтимоий-маънавий мероси ва дунёқарашини ўрганишда И.М. Мўминов, В.Й.Зоҳидов, М. Хайруллаев, Б.О.Тўраев, Ҳ. Алиқулов, Й. Жумабоев, А. Шарипов, М. Нуритдинов, Д. Ҳамроева ва бошқа файласуфлар салмоқли иш қилдилар, шунингдек, диссертант ҳам бу борада айрим чизгилар эълон қилган⁵. Мустақилликнинг

³ В.А.Вяткин. Ферганский мистик Дивана-и Машраб. –Т., 1923; Н.И.Веселовский. Восточные заметки. – Петербург, 1895; Н.С.Ликошин. Дивана-и Машраб. –Т., 1910.

⁴ Муҳаммад Бадеъ Малехо. Музокир ул-асҳоб. –Самарқанд, 1888-91; Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий (Қаерда босилгани номаълум, 1763), Мунтахаб ут-таворих.–Қўқон, 1872; Ғ.Ғулум. Адабий-танқидий мақолалар. XI том. –Т., 1989; В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. –Т., 1980; А.Абдуғафуров. 1. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. –Т., 1984; 2.Машраб. Сўзбоши ўрнида. –Т., 1971; 3. Эрк ва эзгулик куйчилари. –Т., 1979; 4. Бобораҳим Машраб.–Т., 1979; 5. Машраб. –Т., 1963; А.Ҳайитметов. 1. Ҳаётбахш чашма. –Т., 1974; 2. Машраб лирикаси // Шарқ юлдузи. № 3.-1980; 3. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Т., 1970; И.Султон, В.Ахмедов. Асл Машраб. –Т., 1936; Абдурауф Фитрат. Машраб // Танл. асарлар. 2-жилд. –Т.: Маънавият, 2000; М.Зокирий. Адабий-танқидий очерк. –Т., 1966; Ж.Юсупов. Ҳақиқий Машрабни излаб. –Т., 1990; И.Абдуллаев. «Мабдаи нур»га сўзбоши // Шарқ юлдузи. № 12. 1992; И.Ҳаққулов. 1. Адабиёт ва санъат. –Т., 1988; 2. Тасаввуф ва шеърят. –Т., 1992; Н.Комилов, Ғ.Саломов. Шоири аналҳақ. –Т., 1990; В.Раҳмонов. Буюк исёнкор. –Т., 1980.

⁵ И.Мўминов. Танл. асарлар. I-том. –Т., 1969; М.Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т., 1971; Ҳ.Алиқулов. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. IV-боб. –Т., 1990; М.Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. –Т., 1991; А.Шарипов. Мироззрение Машраба / Очерки истории общественно философской мысли в Узбекистане. –Т., 1977; Д.Ҳамроева. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2003; Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. (Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари). Монография. –Т.: Шарқ, 2001. 7,5 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. (Машраб ва Мовароуннаҳрда ижтимоий таназзулнинг социологик таҳлили). (XVII-XVIII асрлар). Монография. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. 12 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти. Монография. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. 7 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. (Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадиий адабиётдаги

дастлабки йилларида, алломанинг 350 йиллик юбилеи муносабати билан кўплаб илмий мақолалар чоп қилинди. Уларда Машраб ижодиётининг муҳим томонлари ёритилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси” доирасидаги “Баркамол авлодни тарбиялашда миллий ғоя, маънавий ва ҳуқуқий меросимизнинг ўрни” мавзусидаги илмий йўналишида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бобораҳим Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида Шарқ мутафаккирлари ғояларининг умуминсоний ва инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш ва бу ғояларнинг жаҳон фалсафий тафаккури ривожигаги ўрнини ёритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Машраб яшаб ижод этган давр ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволини тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этиш;

мутафаккир Машраб яшаган даврдаги тарихий-фалсафий муҳитдаги маданият ва илм-фан ривожининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш жараёнида аллома шоирнинг илмий-бадиий, тасаввуфий-диний, ижтимоий-фалсафий аҳамиятини фалсафий жиҳатдан ёритиб бериш;

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий меросини Шарқ фалсафий тафаккури раванқига кўшган буюк ҳиссасини очиб бериш;

Машраб ижтимоий-фалсафий қарашларининг илдизлари, унинг ижодига таъсир этган улуғ аллома мутафаккирлар ижодий меросининг унга таъсир доирасини ўрганиш;

мутафаккирнинг шахс ва жамият ҳақидаги дунёқараши негизини ёритишда ижтимоий қарашлар, умуминсоний ғояларни акс эттирувчи фикрларни тадқиқ этиш;

Машрабнинг ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги қарашлари заминида давр, адолатсиз замонадан норозилик кайфиятларининг унинг поэзиясида акс этган жиҳатларини очиб бериш;

Абу Наср Форобий, Боязид Бистомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби улуғ аллома ва мутасаввифларнинг Машраб ижодига таъсирини ёритиш;

Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали, Офоқхожа каби мутасаввиф ва мутафаккирлар маънавий меросининг Машраб ижодида акс этишини фалсафий таҳлил қилиш;

талқини). (XVII-XVIII асрлар). Монография.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008. 54 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. (Машрабнинг ижтимоий-фалсафий дунёқараши). Тўлдирилган иккинчи нашр. Монография. –Т.: “IXTIYOR RISO PRINT”, 2014. 22,5 б.т.; Мўмин Ҳошимхонов. Бобораҳим Машраб ва унинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари / Ўзбекистон фалсафаси тарихи. II-жилд. Ҳаммуаллифликда. Монография.-Т.: “Мумтоз сўз”, 2017. 30 б.т. (Тадқиқот А-1-149 рақамли “Ўзбекистон фалсафаси тарихи (уч томлик, ўзбек тилида) асарининг II томини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида тайёрланган); Мўмин Ҳошимхонов. Бобораҳим Машраб ижодини ўрганиш. Методик қўлланма. Т.: Орзу, 2002 ва бошқалар.

Машраб дунёқарашида ислом динига бўлган муаммолар талқинини баён этишда мутафаккир ижодида Куръони карим, ҳадиси муборак шарифларнинг ўрни масалаларини мазмун ва моҳиятини ёритиш;

мутафаккир қарашларида ижтимоий ахлоқ масалаларининг ёритишда Форобий, Ибн Сино, Навоий, Давоний каби салафларнинг комил инсон ҳақидаги инсонпарварлик ғояларининг Машраб комил инсон концепциясига таъсирини кўрсатиб бериш;

мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашларини таҳлил этишда унинг шеърларида илгари сурилган ғояларни ахлоқий-тарбиявий жиҳатдан таҳлил қилиб, бугунги баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий мероси.

Тадқиқотнинг предмети. Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-маънавий мероси моҳияти ҳамда уларнинг ривожланиш хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий меросининг XVII–XVIII асрлар ижтимоий-ахлоқий фикрлар ривожига конструктив-етакчилик ўрни фалсафа тарихи нуқтаи назаридан кўрсатиб берилган;

Бобораҳим Машраб маънавий меросида ижтимоий-фалсафий, илмий-маданий, маънавий-ахлоқий, диний-тасаввуфий, дидактик-таълимий ва маърифий қарашларнинг илдизлари, шахс ва жамият, адолат ва тенглик контекстида фалсафий моҳияти очиб берилган;

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний, тасаввуфий, илмий, дидактик, таълимий ва маърифий қарашлари фалсафий тизимлаштириш асосида назарий таҳлил қилинган ва уларнинг замонавий ахлоқий тарбиядаги ўрни асосланган;

Машрабнинг ҳаёти ва ижодий мероси XVII–XVIII асрларда ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маданият, илм-фан ва ижтимоий-маънавий фикрлари ривожининг муҳим хусусият ва қонуниятларини ўрганишдаги аҳамияти кўрсатиб берилган;

ислом дини ва тасаввуф таълимотининг Машраб ижодига таъсири ва унинг замиридаги ахлоқий ғояларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Машрабнинг ҳаёти ва ижодини ёритишда у яшаган Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маданият ва илм-фан ривожини мутафаккир ижодиётини англашда унинг ҳаёти ва ижодий меросини ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ижтимоий-ахлоқий фикр ривожига тутган ўрнини ўрганишга қаратилган методик қўлланма ишлаб чиқилган;

Машрабнинг ижтимоий-фалсафий меросидаги ғояларни ёритиш оркали мутафаккир ижтимоий-фалсафий қарашларининг асосий хусусиятлари ва илдиэлари аниқланган;

Мутафаккир шоирнинг шахс ва жамият ҳақидаги қарашлари, файласуфнинг ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги фикрлари кўлами аниқланган;

Машраб ва тасаввуф таълимотини ўзига хос жиҳатларини ўрганишда мутафаккир ижодига мутасаввифлар таъсири, шоир ғазалиётидаги тасаввуфий ғоялар талқини ёритилган;

мутафаккирнинг дин ва ахлоққа муносабатини ёритишда унинг дунёқарашида ислом динига бўлган муаммолар талқини, мутафаккирнинг фалсафий қарашларида ижтимоий ахлоқ масалаларининг ёритилиши, шунингдек, шоирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва у ҳақдаги тақриэлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, файласуф ва мутасаввиф, XVII-XVIII асрлар ижтимоий-ахлоқий фикр ривожига улкан ҳисса қўшган Бобораҳим Машраб ҳақидаги маълумотларни истеъмолга киритиш, унинг ижодий-маънавий меросини жамият, омма орасида, хусусан, баркамол авлод тафаккурига етказиш, унинг маърифий, таълимий, дидактик, ахлоқий ғояларини таълим-тарбия, илм-фан соҳасига кенг татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, баъзи назарий-илмий, адабий-фалсафий, услубий жиҳатларини ёритиш ва аниқлашда мутафаккир шоир ижодининг мураккаб, муаммоли томонларига аниқлик киритишда файласуф, муаррих, социолог, адабиётшунос тадқиқотчилар ишларига мурожаат қилинган. Мутафаккир Машрабнинг ўзбек, рус тилларида чоп этилган асарлари манба бўлиб хизмат қилган, шунингдек, унинг хорижий мамлакатларда ўрганилиш тарихи ва таржима қилинган ижоди намуналарига эътибор қаратилган. Мутафаккир Машраб меросини ўрганишда, унинг ижодий фаолиятининг назарий ва амалий аҳамиятига эътибор қаратилганда, мутафаккир шоир маънавиятида илгари сурилган ғоялар, олий ўқув юрти талабаларига, ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва лицей ўқувчилари, мактаб адабиёт ва фалсафа тарихи ўқувчиларига маърузалар ўқишда, Машраб мероси билан қизиқувчилар учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда қўлланилади, шунингдек, ўқув фанлари дарсларида дастурлар ишлаб чиқишда мазкур тадқиқот материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бобораҳим Машраб ва XVII–XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожиди ижтимоий-фалсафий қарашларининг илдизлари, мутафаккирларнинг шахс ва жамият ҳақидаги қарашлари, Машраб ижодига мутасаввифлар таъсири, унинг ғазалиётидаги тасаввуфий ғоялар талқини, Машрабнинг исломга бўлган муносабати, мутафаккир қарашларида ижтимоий ахлоқ масалаларига оид тақлифлардан Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институти ва бошқа олий таълим муассасалари ўқув жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йил 20 декабрдаги 2551-сон маълумотномаси). Натижада Бобораҳим Машраб ижоди бўйича талабаларда зарур билим, малака ва кўникмаларни, фалсафа тарихи юзасидан мутахассислик хусусиятларини шакллантириш ҳамда диний-маънавий таълим мазмунини такомиллаштириш имконини берган;

Бобораҳим Машраб маънавий меросида ижтимоий-фалсафий, илмий-маданий, маънавий-ахлоқий, диний-тасаввуфий, дидактик-таълимий ва маърифий қарашларнинг илдизлари, шахс ва жамият, адолат ва тенглик каби илмий хулосаларидан А-1-149 рақамли “Ўзбекистон фалсафаси тарихи (уч томлик, ўзбек тилида) асарининг II томини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш” мавзусидаги илмий-тадқиқот грантида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 89-03-4056-сон маълумотномаси). XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрдаги фалсафий-тасаввуфий таълимотлар, ғоявий манбалар, уларнинг муҳим хусусиятлари тадқиқ этилган бўлиб, ушбу лойиҳадан олинган илмий натижалар фалсафа тарихи дарсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний, тасаввуфий, илмий, дидактик, таълимий ва маърифий қарашларини фалсафий-тизимлаштириш асосида назарий таҳлил қилинган ва уларнинг замонавий ахлоқий тарбиядаги ўрни бўйича олинган хулосалардан ФА-ФІ-Г039 рақамли “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012–2016) мавзусидаги илмий лойиҳани бажариш доирасида мазкур тадқиқотдаги Машраб, Насимий, Мансур Ҳаллож ҳақидаги ҳамда қатор тасаввуфий тимсол-тушунчаларига оид мақолаларни ёзишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 89-03-4056-сон маълумотномаси). Натижада бу китоб навоийшунос олимлар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилган;

Машрабнинг ҳаёти ва ижодий мероси XVII–XVIII асрларда ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маданият, илм-фан ва ижтимоий-маънавий фикрлари ривожининг муҳим хусусият ва қонуниятларини ўрганишдаги аҳамиятига оид тақлифлардан ГЗ-2017092980 рақамли “Ўзбекистон жадал ривожланиш шароитида ёшларнинг толерантлик дунёқарашини шакллантириш” мавзусидаги илмий тадқиқот грантида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 89-03-4056-сон маълумотномаси).

Мазкур грантнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида Тошкент ДИУда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Бобораҳим Машраб дунёқарашининг ўзига хослиги ва ёшлар таълим-тарбиясига оид бунёдкор ғояларидан глобал таҳликали замонда зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш, ёшлар орасида маънавий мерос, миллий ғоя, маънавий тараққиёт ва аждодларимизни маънавий мероси тарғиботига қаратилган таклиф ва тавсиялардан 2017–2018 йиллардаги иш режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/002-1234-18-сон маълумотномаси). Натижада буюк алломаларимиз машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи мобиль илова яратиш ва уни ишга тушириш имконини берган;

Бобораҳим Машраб ижодининг ўзига хос хусусиятлари, фалсафа, ижтимоий ва ахлоқий қарашларни янгича назарий-услубий ёндашувларидан Ёшлар иттифоқи тизимида эълон қилинган “2018 йил – Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини самарали ташкил этиш йили” доирасида ёшлар билан тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида махсус йил дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2018 йил 19 ноябрдаги 04-13/5991-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқотдан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, мунозара маданиятини шакллантириш мақсадида ўтказилган ўқув-семинар, тарғибот тадбирларида фойдаланилган бўлиб, у ёшларнинг мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнларини англаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти, айниқса, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга ижобий таъсир қилган;

ислом дини ва тасаввуф таълимотининг Машраб ижодига таъсири ва унинг шахсиятини белгиловчи омиллар, унинг қиёфасини акс эттирувчи қисса ва тазкиралардаги афсона ва ривоятлар замиридаги ғояларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни кўрсатиб кўрсатиб берувчи илмий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърият” тўғарагида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 19 ноябрдаги 01-03-13/1597-сон маълумотномаси). Натижада Бобораҳим Машраб ижодининг ўзига хос хусусиятлари, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашларини янгича назарий-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, 4 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, ўн бир параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертациянинг ҳажми 258 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқот объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт”** деб номланган биринчи бобида мутафаккир Машрабнинг Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни, унинг XVII-XVIII асрлар маданият ва илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси, мутафаккирнинг мураккаб ҳаёт йўли, давр амир-амалдорлари, бек ва зодагонлари билан маънавий тўқнашувлари, ижодий меросининг аҳамияти, унинг уч ярим асрдан бери авлодлар томонидан ўқиб-ўрганиб, улуғланиб келиши каби манбалар шарҳланган ва илмий баҳоланган.

Шарқ ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳрда аштархонийлар давлати ҳукмронлик қилган даврда яшаб ижод этган. Бу давр Мовароуннаҳрда иккита-Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлиги ташкил топган даврга тўғри келади. Тарихчи олим Азамат Зиё аштархонийларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳақида Волгабўйи ерларидаги Астрахан хонлиги ҳозирги Аштархон аслида **“Ҳожи Тархон”**-Тархон туркий тилли халқлар имтиёзли унвонларидан ҳисобланиб, машҳур Хазар ҳоқонлигига бориб тақалади, деган фикрларни илгари сурган, шу ҳолат диссертацияда тарихий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилинган.

Тадқиқотда бу давр Бухорода аштархоний сулола вакилларида Абдулазизхон, унинг укаси Субҳонқулихон даврида мутафаккир шоир Машраб яшаб, ижод қилган даврга тўғри келади, деган тарихий маълумот берилган.

XVII аср Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқандда Ялангтўшбий Баҳодир ҳозирги Регистон ансамблини шу йилларда кургани тарихдан маълум.

Кейинги Хоразм хони Аранг Бухорога хужум қилиши натижасида Субҳонқулихон Балх ҳокими Маҳмуд Қатағонбийдан ёрдам сўраган, хонга кўрсатган хизматлари учун Маҳмудбий Балх ва Бадахшонга ҳоким қилиб тайинланган. Балхда Маҳмудбий Бухородан бутунлай мустақил ҳолда ҳокимлик қилган. Унинг шафқатсиз ва қаттиққўллиги туфайли Хуросондаги

қабилалар орасида бир неча марта кўзғолонлар кўтарилганлиги диссертациянинг мутафаккир Машраб яшаган даврдаги сиёсий аҳволини тарихий нуқтаи назардан асослаган.

Субҳонқулихоннинг Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилган даврида зодагон тарқоқлик кучайиб, сиёсий таназзул чуқурлашган. Субҳонқулихоннинг 1702 йил вафоти туфайли тахтга унинг ўғли Убайдуллахон келган. Маҳмудбий билан Убайдуллахоннинг ўзаро низоси кучайган даврда Балх Бухорога бўйсунмаган. Мутафаккир шоир Машрабнинг ўлими худди шу даврга тўғри келган.

Диссертацияда Машраб яшаган XVII-XVIII асрларда халқнинг турмуши кескин ёмонлашгани, очлик ва муҳтожлик, жабр-зулм кучайганлиги, жамиятда зўравонлик, ўзбошимчалик, лаганбардорлик, фирибгарлик, адолатсизлик, порахўрлик, иккиюзламачилик ва бошқа салбий ҳодисалар кенг томир ёйганлиги, бунинг натижасида табақавий қарама-қаршилиқлар оммани эзувчиларга нисбатан норозилиги кучайганлиги кўрсатилган. Табиийки, буларнинг ҳаммаси маънавий ҳаётга, халқнинг онгига таъсир этмасдан қолмади. Халқ орасида тушқунлик, келажакка умидсизлик кайфиятлари пайдо бўлди. Бобораҳим Машраб ижоди ва дунёқарашада мавжуд тузумнинг ана шу мураккаб ва зиддиятли томонлари ўз аксини топган⁶.

Аштархонийлар давлатида мусулмон руҳонийлари, дарвишлар жамоаси ва шайхлар, зодагонлар орасида алоҳида мавқега эга бўлганлар. Ана шундай дарвишлар табақасини вакилларидан бири мутасаввиф-сўфий Бобораҳим Машраб эканлиги, Машрабнинг шу тарихий жараёнларда иштирок этиб гувоҳ бўлганлиги тарих нуқтаи назаридан тадқиқотда далиллар асосида исботини топган.

Мутафаккир Машраб яшаган ижтимоий-маънавий муҳитда XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳр маданияти зодагон маданиятига хос хислатларга эга бўлган. Мовароуннаҳрда аштархоний сулола вакиллари бўлган хонлар Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Балх шаҳарларида ўзларига атаб бир қанча мадраса ва масжидлар барпо этганлар.

Халқнинг маънавий ҳаёти мусулмон динининг ақидалари остида кечар, руҳонийлар баъзи диний ақидаларга сўзсиз итоат қилишни талаб қилар, халқни турли бидъатлар қаршисида ожиз, кўрқувда тутишдан манфаатдор эдилар⁷.

Аштархонийлардан Абдулазизхон, Убайдуллахон, Боқи Муҳаммадхон, Субҳонқулихон, Имомқулихонлар томонидан доруш-шифо, саройлар, чорбоғ, шунингдек, Самарқандда Шердор, Тиллакори мадрасалари қад кўтарганлиги бугунги кунда ҳам тарихий ёдгорлик бўлиб халқимиз зиёратгоҳларидан эканлиги сир эмас.

⁶ Х. Алиқулов. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I-китоб. Т.: “Файласуфлар миллий жамияти нашриёти”, 2004. -Б.409.

⁷ М. Нуриддинов. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. Т.: “Фан”, 1991.-Б. 17-18.

Диссертациянинг маданият ва илм-фан таҳлили берилган ўринларда XVII-XVIII асрларда ижод қилган муаррих, шоир, аллома, уламолар Юсуф Қорабоғий, Туробий, Нахлий, Муҳаммад Балхий, Турди, Саидо Насафий, Қосимхожа Самарқандий, Фитрат, Соқий, Мулхам, Сўфи Оллоҳёр, Бобораҳим Машраб каби мутасаввиф, сўфий, шоир ва мутафаккирлар ижод этганлиги баён этилган. Бу даврда олий таълим берувчи мадрасалар фаолият кўрсатиб, унда риёзиёт, хандаса, кимё, илми нужум, фалсафа, мантиқ каби фанлар бир мунча тараққий этиб, бу соҳада тарихий ютуқлар ҳам кўзга ташланиши диссертацияда муҳим ўрин тутганлиги ёритилган.

XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳрда маданият ва илм-фан равнақи хусусида А. Бартольд, Х. Вамбери, Г. Саблуков, академик Я. Ғуломов тарихий фалсафий адабиётларда алоҳида тўхталганлиги диссертацияда алоҳида урғу берилган.

Мазкур диссертация ишидаги муҳим фалсафий жиҳат шундан иборатки, Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий меросини таҳлил этишда у шеърят мулкининг буюк Навоийдан кейинги олий мақомига эришган, халқ қалбига нур бўлиб кирган ижодкор эканлиги таъкидланади. У замонасининг етук донишманди, йирик мутафаккир, кучли мантиқ соҳиби, халқпарвар, ҳақиқатгўй, ростгўй, журъаткор, кўнгли пок, ҳар томонлама комил инсон, халқнинг юрак дардларини, орзу-умидларини, истак ва интилишларини куйловчи чинакам халқчил шоир, оташнафас сўз санъаткори, юксак истеъдод соҳиби бўлган Бобораҳим Машраб номи бутун Туркистон, Қашқар ва Хуросонда, туркий халқлар орасида машҳур бўлган йирик мутасаввиф, сўфий, миллат намояндаси сифатида улуғланган. Шу боис у диний ва тасаввуфий фалсафани ўрганишда шарқ халқлари мутасаввиф шоирлари Фаридиддин Аттор, Мансур Ҳаллож, Иброҳим Адҳам, Имомиддин Насимий ижоди билан танишиб, Ҳофиз, Лутфий, Навоий шеърятидан баҳраманд бўлган йирик мутафаккир ижодкор эканлиги таҳлил қилинган.

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб 1653 йил 22 майда Наманган шаҳар Маддохлик маҳалласида туғилган. Манбааларда қайд этилишича, 1665 йил 12 яшарлигида Наманганда доврўғ қозонган уламо мулла Бозор охунд таҳсилига киришган. Илм-одоб қоидаларини ўргатгач устоз Бозор охунд унинг илмини мукаммаллашувини хоҳлаб Қашқарга ўз пири Офоқхожа хонадонига кузатган. Бу пайтда шоир 20-21 ёшларда бўлган.

Намангандек табаррук юрт менга тор бўлди,
Муллолар қутқусидан азиз бошим хор ўлди,
Онам, синглим муштипар парча нонга зор ўлди,
Бўйним эгиб, тиз чўкмоқ, найлай менга ор ўлди,
Кўринг эмди ёронлар, кўксим лолазор ўлди.

Тадқиқотда шоир баъзи бадхулқ, ришвахўр муллалар ва шаҳар ҳоқими, амалдорлари қутқусидан бешиб туғилган юрти Наманганни ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бобораҳим Машраб Офоқхожанинг доврўғи кетган улўғ пирлигини, қувваи ҳофизаси ва нафаси ўткир шайхул аъзамлигини, унинг

етишган авлиёлигини, исломий ва дунёвий илмларда пешқадамлигини, тасаввуф таълимотининг пирларидан эканлигини эътироф этиб, унинг даргоҳида илм олиш ва улуғ авлиё рухсорини кўриш умидида унга мурид тушишни “пир остонасидаги жамики риёзатларни бошқа сўфийлар қатори ихтиёрий тарзда ўзи хоҳлаган”, ёр-Яратган васлини пирдан илм ўргангачгина кўришни орзу этганлиги диссертацияда таъкидланган.

Фитрат берган маълумот бўйича Машраб Қашқардаги Офоқхожага мурид тушиб, “Машраб” тахаллусини ҳам олади.

Диссертацияда Машраб пири Офоқхожа илтифотидан бараманд бўлиб, шу хонадонда қаландарлик, дарвишлик либосида дунёга юз бурган ва Офоқхожа хонадонидида авлиёликка етишиб, тариқат илмини мукаммал ўргангани ҳолда кўп мамлакатларга борган. Ёркент, Хўтан, Ғулжа, Тошкент, ўз она юрти Наманганга келган. Сўнгра, Офоқхожа хузурига қайтиб, ундан дуо олиб 18 йил давомида бир қанча мамлакатларни кезган дарвиш шоир Машраб Яман, Ҳиндистон, Дакан, Исфохон, Ҳирот, Машҳад, Балх, Макка, Мадина, Жидда, Халаб, Шероз, Шом, Рум, Бағдод, Шибирғон, Андхуй, Мозори Шариф, Бухоро, Насаф, Туркистон, Шоҳимардон каби жойларда бўлган. Қабодиён, Хўжанд, Бадахшон, шунингдек, Яқин Шарқнинг қатор ўлкаларига бориб, халқни шеърятидан баҳраманд этганлиги таҳлил этилган.

Машраб Самарқандда, кейин “Мен Бухоро шаҳрига келдимки, илм савдо қилайин деб” Бухоро шаҳрида мавлоно Шарифдан илм олиб, 18 йиллик саёҳат ва сафардан қайтиб келиб, Офоқхожа пиридан кўп илтифотлар кўрган. Офоқхожа Машраб ўлимини, уни Балхда шаҳид бўлишини олдиндан башорат қилган. “Қиссаи Машраб”ларнинг турли вариантларида унинг мансурвор дорига тортилиши, кушандаси Маҳмуд Қатағонбий эканлиги айтилган:

Қонимни тўкар эмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон.

Машрабдан бизга жуда катта маънавий-ижодий мерос қолганлиги, бу меросдан халқимиз баҳраманд бўлаётганлиги диссертацияда акс этган:

1. Лирик шеърлар: ғазаллар, мустазодлар, мусаббаълар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббалар, бир мусамман, бир маснавий ҳамда рубоийлар ва фардлар.

2. “Мабдаи нур” (“Нурларнинг бошланиши” ёхуд “Нурлар манбаси”).

3. “Кимё” (Қимматбаҳо маъдан, иксир).

4. “Қиссаи Вайсул-Қараний”.

5. “Қиссаи Меърожи расули Акрам (с.а.в)”.

Машраб иждодий меросини ёритувчи Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бир қанча манбаалар мавжуд. Ундан ташқари халқ китобати туркумида “Қиссаи Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Эшони шоҳ Машраб”, “Маноқибни Машраб” каби у ҳақдаги ривоят ва афсоналарга бой асарлар ҳам борлиги тадқиқотда ёритилган.

1990 йил Машрабнинг “Меҳрибоним қайдасан”, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., томонидан ва 2006 йил “Машраб”, Девон,

“Янги аср авлоди”, Т., томонидан шеърий мажмуалари чоп этилиб, омма орасига етиб борган.

Машраб ижодий меросига назар ташлаганда, мутафаккир шоир форс, араб ва ўзбек тилларида ғазал ва мухаммаслар ёзганлигига шоҳид бўламиз.

Уч ярим асрдан ошаяптики, оташин шоир ҳақидаги қисса ва ривоятлар унинг жўшқин шеърияти, оташнок ва ифорли ғазаллари ўзбек халқи томонидан эъзозли ва қадрли бўлиб, ашула ва кўшиқлар мақомида омма томонидан ўрганиб келинмоқда.

Илмий тадқиқотнинг **“Машрабнинг ижтимоий-фалсафий мероси”** деб номланган иккинчи бобида мутафаккир шоирнинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг илдизлари, мутасаввиф адибнинг шахс ва жамият ҳақидаги дунёқараши, Машрабнинг ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги қарашлари каби тушунчаларнинг ўрни очиб берилган.

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижтимоий-фалсафий меросида Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккурининг Мансур Ҳаллож, Абу Наср Форобий, Шайх Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий каби буюк намояндаларининг ижоди ижтимоий фаолиятларига бориб тақалади. Шунингдек, мутафаккир шоир Машрабнинг Навоий ижодий тажрибаларидан ҳам баҳраманд бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Жунайд ал-Бағдодий, Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Айнул-Қуззот Ҳамадоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Абдулқодир Бедил ва Бобораҳим Машрабларнинг таълимотларида “вахдат ул-вужуд” таълимотларида инсон билан аллоҳнинг вужудан жисмоний бирлик эмас, моҳиятий бирлик тўғрисидаги ғоя илғари сурилган. Машраб Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Арабий, Жомий, Бедил, Шарқнинг буюк файласуфлари каби барча ирфоний асарларини шеърий усул билан яратганлигини таъкидламоқ керак. Шунинг учун мутафаккир Машраб юқорида номлари зикр этилган буюк Шарқ файласуфлари, уларнинг барча ирфоний асарларини ўргангани ҳолда, уларга эргашиб, хурфикрлигини кенгроқ давом эттирди. Айниқса, хурфикр Насимий ва машхур сўфий ва авлиё Мансур Ҳалложга кучли эътиқод қўйиб, уларнинг ўзини хароратли шогирди деб ҳисоблаган.

Машраб ўз даврининг шоир ёки мутафаккиригина эмас, балки шу билан бирга Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига танилган хурфикрли, маърифатпарвар, мутасаввиф шоир ва халқ номидан илғор мафкуравий ғояларни дадил тарғиб эта оладиган забардаст файласуф ҳам эди.

Диссертацияда Машраб ўз мавжуд даврининг турли масалаларини кўтариш ва уларни ҳал этиш соҳасида улкан қобилиятга эга бўлиб, ўз дунёқарашининг мушоҳадалиги ва чуқурлиги билан тасаввуфнинг мусулмон шарқидаги йирик вакилларида бири эканлиги таъкидланган.

Машраб меросида алоҳида урғу берилган ғоялардан бири, ўз лирик қахрамони билан кўшилиб, мен ичган май, бу оддий май эмас, бу ваҳдат майи бўлиб, бу майдан ичганлар машхур мутасаввиф Мансур Ҳаллож каби дорга

осилса ҳам армоним йўқ, у бахтли, чунки ваҳдат майини ичиш билан унинг вужуди илоҳиёт ила бирлашди:

Ваҳдат майини пири муғон илгидин ичтим,
Мансур каби бошимни дорга тута қолдим, - деганида ҳақли эди.

Диссертацияда аллоҳ васлига етишиш учун салафларим (пирларим) кўлидан ваҳдат майини олиб ичдим, бу май мени вужуди илоҳий билан бирлаштиради, бу йўлда мен Мансур Ҳаллож каби бошимни дорга тутишга тайёрман дейди.

Тадқиқотда Форобий, Ибн Рушд, Давоний каби мутафаккирларнинг илғор фикрларини шеърляти моҳияти ва ўз дунёқарашида ривожлантирганлиги, дарвиш Машраб фалсафий қарашларининг илдизлари мутасаввиф сўфий, аллома ишқини Робия Адавиядек қабул қилиб, унинг висоли умидида ёнганлиги таъкидланган.

Умидсизлик куфр эрур, дўстлар умид қилмоқ керак! – дея мутафаккир халқни умидга чорлади.

“Қақнусга ўхшаб ёндим тириклай”, - деб нидо қилган мутафаккир шоир халқ дардида ёнган, бироқ, кулга айланмаган. У афсонавий қақнус кушдек қанчалик азоб ва уқубатларни бошдан кечирмасин, ҳамиша шиддат ва исён билан мавжуд тузумга муносабатини билдирган.

Диссертацияда Машраб ижтимоий-фалсафий қарашларининг илдизларини ёритишда Аттор ва Румий, Бистомий ва Шиблий, Ҳаллож ва Насимий, Махдуми Аъзам ва Офоқхожа маърифат ва тариқатини, ишқи илоҳийсини юқори қўйгани ҳолда улуғ мутасаввиф, сўфий салафлар анъаналарини ўз меросида давом эттирганлиги қайд этилган:

Офоқхожамким суюб, отинг Машраб дедилар,
Бўсоғонгда ўлурман, менда ҳасрат қолмади.

Хукмдорларга танқидий муносабатини: “Гоҳ амиру, гоҳ фақирлар бирла бўлдим ошно”, - деб таъкидлайди.

Унинг шеърларида заминий дард-ижтимоий ҳақсизлик ва адолатсизлик дардини илоҳиёт дарди, яъни руҳнинг асл манбаига қайтиш учун чекаётган изтироблар, инсон кўнглининг покланиш дарди қийноқлари билан қўшиб талқин этади:

Азалдан мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим.

Шоҳ Машрабнинг қаландарлиги фақат Машрабга хос бўлиб, сўфийлик, маломатия ва қаландария тариқати йўналишлари тушунчаларига мосдир. Дарвиш Машраб фалсафий қарашларининг илдизларида берилган урғу инсонларни ғафлатдан уйғотиш учун халқ орасида юрганлиги, бетакрор ва таъсирчан шеърлари билан уларни улуғ маърифат ва ғояларга чорлаганда намоён бўлади. Зеро, ҳақиқий ижодкорнинг элга хизмати ва унинг маънавий мероси бугунги кунда яшовчан эканлигида зухур этади.

Не ғурбатларни чектим, чарх бибунёд дастингдин.

Тадқиқотда мутафаккир шеърлятининг ўзига хос хусусиятлари унинг шахс ва жамият ҳақидаги дунёқарашида Машрабона руҳда юзага чиққан. У

одамларга ҳамдард, меҳрибон эди. Улуғ илоҳпараст шоир кўнглида илоҳ меҳри бор, дарди бор одамларни назарда тутиб, дардсизлар ҳақ ва инсонийликдан йироқлигини:

Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама, - сатридаги моҳиятнинг туб илдизини фалсафий тушунамиз. Машраб ана шундай пок дил, соф дил, аммо, ҳаёт эзган одамлар дардининг куйчисидир. Шу боис у ўзини шу бахти қора халқнинг подшоси деб эълон қилди:

Муҳаббат дардида оввора бўлган халқни кўрдим,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,
Тани дарду аламдан ёра бўлган халқни кўрдим,
Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдим.

Бу дард Машраб яшаган даврдаги халқ дарди, унинг турмуш тасвири инъикоси эди. Машраб шеърларида заминий дардни-ижтимоий ҳақсизлик ва адолатсизлик дардини илоҳий дард-руҳнинг қийноқлари дарди билан қўшиб баён этган.

Диссертацияда таъкидланишича, аштархонийлар яшаган XVII-XVIII аср Мовароуннаҳр давлатидаги ижтимоий-сиёсий парокандалик шу даврда яшаган мутафаккирлар ижодиётида акс этди. Жамиятдаги ижтимоий адолатсизликнинг бош ва асосий сабаби зўравонликда, жоҳилликда деб билган мутафаккир ўзининг ўткир қалам кучи билан, ҳукмрон табақа, жоҳил муллаларни танқид остига олди. Машрабнинг оташин инсонпарварлик сўзлари, исёнкор шеърлари ўша даврдаги ҳукмдорларга ва баъзи шариат пешволрига ёқмади. Машраб қаттиқ тазйиқ остига олинди. Машрабдан ўч олдилар. Мутафаккир шоирнинг қатл этилиши ўша даврнинг қатта фожеаси бўлди:

Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкиб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Улуғ салафлари Насимий, Навоий, Бедил, Сўфи Оллоҳёр каби Машрабнинг шахс ва жамият ҳақидаги қарашларидаги умумий ўхшашликнинг мазмун ва моҳияти шунда зуҳур этадики, мутафаккирлар ўз ижодларида инсонни табиат хилқати, ҳамма нарса унинг учун яратилган, у ерда муқаррамдир, мавжудликдаги мавжудотдир деган фикрни илгари сурадилар.

Замон ва маконга сиғмаган Машрабнинг чуқур мулоҳазали тафаккури, оташин ўқиган ғазаллари ҳукмрон мафкура учун хавф туғдирган. У давр мафкура арбоблари томонидан таъқиб ва қувғинда яшаган. У ўз қарашларида шу реал ҳаётда шод-хуррамлик кўрмаганлигини, яқин ҳамдард ва ҳамнафас кишиси бўлмаганлигини, умри азоб - укубатда ўтаётганлигини таъкидлаган, буни ғазалари мазмун моҳиятига сингдириб юборган:

....Дўстлар ҳолимга йиғлар, душманим кўрса кулар,
Дард кўб, ҳамдард йўқ, душман кўб, толеъ забун.

Мутафаккир Машрабнинг шахс ва жамият ҳақидаги дунёқараши ўз даври ва бугунги кун муаммоларини ечишда ҳам аҳамияти, мазмун моҳияти билан ўрганилиши долзарб бўлган муҳим фалсафий ғоялардан иборатдир.

Диссертацияда Машрабнинг ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги қарашлари таҳлилида, Машраб аввало адолатсизлик ва мутаассибликка қарши изчил курашчи, кўркмас мубориз сифатида намоён бўлади. “Қиссаи Машраб” тадқиқотчиси, профессор В. Л. Вяткин мутафаккир шоирнинг Ўрта Осиё халқлари орасида кенг шуҳрат қозонишининг бош сабабларидан бири «Машрабнинг мавжуд қалбакичилик, ҳақсизликка қарши бўлган кучнинг тимсоли сифат хизмат этишидир»⁸, - деб кўрсатганида жуда ҳақли эди.

«... меҳнаткаш омма тарихий Машрабнинг ижоди ва фаолиятини талқин қилганида ҳам, тўқима ривоятларда ҳам ўз орзу-истакларини, интилишини ифодалайди, мавжуд зодагон муҳитга бўлган муносабатини билдиради. В. Вяткин фикрича, халқ оммаси нималарга қарши норозилик билдирди ва нималарни майна-масхара остига олди, шуларни кўрсатади.

Машраб нафақат нола қилувчи, балки исёнкор шоир сифатида зулм ва разолат илдинини, адолатсизлик ва қабоҳат тазйиқини қирқиш учун ёмонларга ва ёмонликка қарши шеърлари билан қалқон бўлди, амалдорларнинг кирдикорларига қарши ўз нафратини билдирди.

Мутафаккир Машраб ижтимоий-фалсафий қарашларидан бугунги авлодларга мерос қолган сабоқ шуки, у бутун олам ва одам яратувчисига эътиқод қўйиш, пок ният билан яшаш, табиат тилсимотларидан бохабар бўлиш ва уни ардоқлашдир. Инсон улуғ ният ва пок эътиқод билан ҳаёт кечирсагина, бир-бирига раҳм-шафқат, адолат қилса, уни улуғ манзиллар кутади, - дея таъкидлайди.

Машраб улуғ устози шеърятдан ташқи борлиққа, даврнинг долзарб масалаларига фаол муносабатда бўлишни ҳам ўрганди. Инсон эркининг, ҳақ-ҳуқуқларининг замона зўравонлари томонидан бешафқат топталишига қарши норозилик туйғуларини ифодалашда Навоийнинг бой ва ранг-баранг асарларига суянди.

Диссертацияда тадқиқ этилишича, Машраб ўзининг ғазал ва рубоийларида мавжуд дунёнинг ишларини, ғам-ташвишларини, инсоний фазилатларни эгаллаш, халқнинг аҳволини яхшилаш, унинг муаммоларини унутмаган.

Халқни жаҳолат ва кўркувда сақлашдан манфаатдор бўлган шахсларнинг риёкорликлари, адолатсизликлари ва қонхўрликлари Машраб қалбини уларга нисбатан чексиз нафратга тўлдирган. Мутасаввиф сўфий Машраб адолатсизликлардан юзага келган ғазаб ва нафратини дард ва аламини ичига ютиб, оҳу нола қиладиган ожиз шахс эмас эди. У доно ва зўр ҳажвчилик қобилиятини ўзида мужассамлаган оловқалб, довюрак киши эди. У ҳукмдорларни халқдан яширин иллатларини, разилликларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан ҳажв тиғи остига олар эди. У рақиблари устидан ҳамиша маънан ғалаба қозонган.

Машраб ўзини эзилган, хонавайрон этилган халқнинг қондош, жондош вакили деб ҳис қилган, нотавон ва хўрланганлар ёнида туриб йиғлаган:

⁸ В. А. Вяткин. Ферганский истик Дивана-и-Машраб. -Т., 1923. стр. 29.

Ўзумдек хонавайронларни кўрсам зор йиғларман...

Мутафаккир фикрича, бундай дардли, туғёнли фикрлар мурасасиз, исёнкор мазлумларнинг ақл овози, юрак садоларини акс эттирганлигида намоён бўлади.

Машраб ўз даврининг илғор мутафаккири даражасига кўтарила олди ва ғазалиёти орқали тарғиб қилган ғоявий фикрлари маърифатга, билимга интилган ва зодагон зулми ҳукмронлигига қарши чиққан кишилар учун назарий манбалардан бири сифатида хизмат қилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Машраб ва тасаввуф таълимоти”** деб номланади. Унда, мутафаккир шоир Машраб ижодига мутасаввифлар таъсири ва шоир ғазалиётида тасаввуфий ғоялар талқини мавзуси ҳақида фикр юритилиб, республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг, тасаввуф ҳақидаги манбаалар, тасаввуфнинг сулуклари, унинг жамиятда, ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида тутган ўрни, тасаввуф кадриятларининг жамият аъзоларини тарбиялашдаги роли тарихийлик асосида ёритилгани ҳолда мутафаккир Машрабнинг шу хусусдаги ғазаллари ва асарлари тадқиқ этилган. Диссертацияда Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашларини ёритишни мақсад қилганимиз ҳолда, унинг ўзи саййид авлоди эканлигини, ўз авлодидан бўлган пирлари Офокхожа ва мулло Бозор охунд даргоҳидан тасаввуфий илмлар ўрганиши ва сўфийлик тариқатига кириш сабаблари, унинг қаландария тариқатини қабул қилиши ва ижодида улуғ сўфий шайхларни тилга олиши, уларнинг сулукат - йўлини танлаганлиги, шеъриятнинг турли жанрларида ижод этиши, ишқи афсонавий Лайли ва Мажнун илоҳий муҳаббати, севгиси ҳақида ёзган асарларини таҳлил этишдир.

Рус олими Н.С.Ликошин 1910 йил “Девонаи Машраб” таржимасига кириш сўзи ёзганда, қашқарлик Офокхожа шахсияти ҳақида фикр юритиб, унинг таъсири нақадар катта бўлганлиги, шоирнинг пири шахсиятини ўрганмасдан туриб, Машраб ижодини ўрганиш мушкул эканлигини аниқлаган.

Офокхожанинг ақлу заковати, кашфу кароматлари, доврўғи дунё бўйлаб таралгач, ер юзининг турли минтақаларидан нақшбандия тариқати издошлари ул зотни ўзига пири муршид бўлмоғини тилаган минглаб одамлар оқиб кела бошлаган. Офокхожа уйда ҳар куни икки минг кишигача тўпланар, улар Аллоҳнинг суюкли, садоқатли бандаси мўъжизаларидан эс-ҳушларини йўқотар, хожа эса ўз муридларини Ҳақ висолига восил қилувчи тўғри йўлга даъват қилар эди.

Офокхожа ҳаётлик чоғида кўркам масжидлар, дарвишлар учун хонақоҳлар қуришга жуда кўп вақт, куч-қувват сарф этди, гўзал боғ барпо қилди. Кўплаб унумдор ерларни сотиб олди, ўз мулкларини камбағалларга мерос қилиб қолдирди. Вақф ерларни йўқсуллар фойдасига қолдириб, улардан тўғри фойдаланиш устидан назорат қилишни авлодлари зиммасига юкледи.

Қашқардаги Офокхожа мақбараси унинг издошлари ва мухлислари учун зиёратгоҳ сифатида ҳамон хизмат қилмоқда.

Е. Э. Бертельс тасаввуф адабиёти ҳақида фикр юритиб, унинг халқ билан алоқаси демократлиги, зодагонларга танқидий муносабатда бўлиши, уни сарой поэзиясига қараганда, беҳад жонли ва яшовчан эканлигини, у узоқ ўтмиш халқ ижодиёти характери ҳақида фикр юритиш имконини беришлигини таъкидлаган.

Файласуф И. Мўминов дарвишлик ҳаракатининг Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда ўсиши, тарқалиши ва уларнинг ғоялари ҳақида куйидаги фикрларни ёзади: мистик сўфийлар ўз нуқтаи назарларига асосланиб туриб, зид ғояларни тарғиб қилдилар, билимни, кишиларнинг жўшқин амалий фаолиятини инкор этдилар; улар таркидунё ғояларини тарғиб қилиб, фақат садақа билан кун кечирувчи дарвишлар, фақирлар, қаландарлар ва гадой роҳибларнинг турли уюшмаларини ташкил қилдилар. Дарвишлик ҳаракати-ХVII-ХVIII асрларда Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалганлигини таъкидлаган⁹.

Н.С.Ликошин “Девонаи Машраб” таржимасига кириш сўзида форсигўй Хожа Ҳофиз туркистонлик авлиёлар Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр ва Машраб Намангонийлар асарларининг руҳий яқинлиги, шеърӣ тимсолларнинг тушунарлилиги, тариқатнинг сирли, мавҳум ҳақиқатини ифодалашдаги табиӣ услублари воситасида маҳаллий аҳоли эътиборини жалб этганлигини таъкидлаган. Бу мутасаввиф сўфийлар орасида Девонаи Машраб шахси мутлақо ўзига хослиги билан ажралиб турганлигини, маҳаллий аҳолининг аксарияти унинг асарларини танишлигини, шеърларини тинглаганлигини уқтирганлар.

Фалсафа фанлари доктори Бахти Очилова тасаввуфнинг назарӣ жиҳатлари ва унинг илк шаклланишида, таълимотга эришишида иштирок этган араб ва туркийзабон мутасаввифларнинг фаолияти ҳақида шундай фикр келтирган: Тасаввуфнинг назарӣ жиҳатдан VII асрда Муҳаммад пайғамбар фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланганлиги манбаларда қайд этилган. Тасаввуф илк бор IX асрда Эронда, кейинчалик Туркистонда кенг ёйила бошлади¹⁰.

Туркистонда ХVII-ХVIII асрларда тасаввуфнинг қаландария тариқати кенг тарқалади. Бу мактабнинг вакиллари ҳоким табақаларнинг халққа қилаётган жабр-зулмларига қарши, пассив равишда бўлса ҳам курашадилар. Зулмни ҳимоя қилувчи сохта руҳонийларни танқид қиладилар. Қаландарлик мактабининг вакиллари қашшоқ деҳқонлар, косиблар ва камбағал чорвадорлар орасида мустабидлардан ўч олиш учун ёрдам берувчилар сифатида катта обрў қозонганлар. Қаландарлар маълум бир марказда уюшган бўлиб, уларнинг ўз такъялари, етакчиси қаландарбошилари бўлган. Улар тасаввуф маслагининг тариқатини қабул қилиб, ўз даврида тарихий-ижтимоӣ муҳитда катта рол ўйнаган.

Мансур Ҳаллож, Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомӣ, Имомиддин Насимӣ ва Бобораҳим Машраблар сўфийлик йўлида ўзлигини

⁹ Муминов И. М. Философские воззрения Мирзы Бедила. -Т., 1958.-стр. 42.

¹⁰ Бахти Очилова. Ихлосмандликда мерос ва васийлик уйғунлиги. Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б.122.

йўқотмаганликлари ва эътиқодида қолганликлари учун ҳам ўз даврининг қурбони бўлган эдилар.

Машраб пири комили Ҳидоятуллоҳ Офокхожа даргоҳида етти йил сўфийлик тариқатидан огоҳ бўлиб, жами исломий ва дунёвий илмларни эгаллаб бўлгач, пирнинг марҳамати билан авлиёлик даражасига етишди ва қаландарлик рутбасини қабул қилиб, дунёга чиқиб кетди. Машраб пири Офокхожани ғазалларида мадҳ этди. Ҳар жойда уни эслаб, қалби ўртаниб, эъзозлаб ғазаллар битди.

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвиш,
Бас жандани кийдим, ўзимни дарбадар эттим.

Қаландарликдан мақсад икки дунёдан ўзини йироқ тутиш ва икки олам уйдан четга, узлатга кетиш. Қаландар бирор мансаб, мақомга эга бўлмаган, дунёнинг ортиқча ғам-ташвишларидан фориг бўлган кишидир.

Машрабнинг пири Офокхожа сўфиёна ислоҳотлар билан аталган юксак мақомдаги авлиё эди.

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний Туркистонда яшаб ижод этган тариқат асосчилари ва уларнинг йирик намояндалари Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Аҳрор, Махдуми Аъзам, Азизиддин Насафий, Нажмиддин Насафий, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўп мутасаввиф олимлар қолдирган, ҳозирги пайтда дунёнинг турли кутубхоналарида сақланиб келаётган асарларни, маънавий меросни тўплаб ўрганиш зарурлигини таъкидлаган.

Машраб кўнгил таскинини Фотимаи Заҳродан, «Фақирликни Муҳаммад ибни Абдуллодин ўргандим», илмни кимдан ўргандинг десалар, «Худо лутф айлади, ман барчани Мавлодин ўргандим» деб Аллоҳ 99 номидан бири бўлган, инсонни комилга илмни лутф этувчи “Мавло”-Худодан деб жавоб беради:

Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим;

Шаҳид қонини тўкмақни Каломуллодин ўргандим.

Диссертацияда Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда машҳур буюк мутасаввиф, мусулмон Шарқида яратилган тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдони, бутун ҳаётини дунёни кезиб ўтказиб, оддий халқ орасида шуҳрат қозонган, халқ билан ҳамнафас яшаган, халқ учун қайғурган, жаҳонгашта, қаландар шоирлиги, у Шоҳ Машраб, Девонаи Машраб, Телба Машраб номларини бежиз олмаганлиги таъкидланган.

Машраб ҳам худди бошқа сўфийлар қатори, ўзининг худога муҳаббатини, ишқини шеърларида баён этади. Буни у кўпинча мажозий шаклда, яъни капалакнинг шамга интилиши мисолида изҳор қилади. У сўфийлардан Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Насимийларни ўз асарларида тилга олади, мадҳ қилади. Сўфизмнинг бу йирик вакиллари ўз шеърларида сохта ислом намояндалари, зоҳид ва чала муллаларнинг кирдикорларини танқид қилдилар. Шунинг учун улар ҳукмрон табақа томонидан қувғин остига олинган, таъқиб қилинган.

Маълумки, тасаввуф мафкуриси замирида, унинг асосида аллоҳни тан олиб, унга шак келтирмай яшаш ғояси ётади. Машраб тасаввуф таълимоти намояндалари бўлган Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур таълимотларини давом эттирган, журъатли ва жасур ғоялари, эътиқодидан чекинмайдиган оловқалб шоир эди. Шунга қарамай, кўп йиллар давомида у гўё Аллоҳ ва дин пешволарини танқид этувчи, шаккок ва даҳрий шоир сифатида талқин этилди.

Машраб Ҳофиз Шерозий, Навоий таъсирида кўпроқ маърифий, Румий, Насимийдан илҳомланиб мажзубона шеърлар яратди. У руҳият тасвирини жуда фалсафий очиб беради. “Онқадар нурга тўлибмен, осмонга сиғмадим”, - дея авж пардадан бошлайди.

Машраб ижодида уни бошқа шоирлардан ажратиб турадиган ўзига хос бир завқ, туғён бор. Унинг шеърлари Яссавий, Лутфий, Насимий, Фузулий каби тили содда ва равон, шу билан бирга, кучли образлиликка йўғрилган. Айниқса, унинг лирик шеърларида мусиқий оҳанг яратиш маҳоратининг жуда юқорилиги кўзга ташланади. “Офатижоним, эй санам, қоши қаросини кўринг”, “Эй, гулбаданам, гул юзинга банда бўлойин”, “Мен нола қилай шому саҳар дод эшигингда”, “Зебо санамим гулгуни зебо ясанибдур” шундай шеърлардандир.

Машраб илоҳий “ишқу муҳаббат ҳосил” этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган ва қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси-бу, ваҳдат майидин қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу моҳият аксини топгандир:

Соқий, қадахни қилғил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичголи келдим.

Машраб “толиби дийдор” ликда Мансур Ҳаллож, Шайх Боязид Бистомий, Фаридиддин Аттор, Имомиддин Насимий сингари “толиби содиқ”ларга издош ва маслакдош. У Мансур Ҳаллождан кейин машҳур сўфи Иброҳим Адҳам тариқатини ўзи учун ибрат ва намуна сифатида эътироф этади.

“Қиссаи Машраб”да шундай маълумот бор. “Маънийи Офоқ улдурки «Қутбул олам» деган бўлур. Дунёда икки Офоқ ўтубдурлар: бирлари Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, яна бирлари ҳазрати Офоқхожамдирлар”¹¹. Бу нақлда қандай сир бор? Хожайи жаҳон қандай умумбашарий ғоялар билан “Офоқ”, яъни “Қутб ул-Олам” унвонига сазовор бўлганлар? Бундан ташқари, мазкур нақлнинг қаландарийликка оид манбада келиши ҳам қизиқ. Демак, Гиждувоний ғоялари фақат хос тариқат аъзоларигагина эмас, балки қаландарлик сулуки талабларига ҳам мос келган.

Машраб куфрга берилган, хуруфий бўлган деб ваҳшиёна ўлим топган Насимийни ғазалларида тилга олиб, ундан ишқни ўрганганлигини таъкидлайди:

“Куфр айтди!” деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўшту пўстин сўзлатиб оламга гўё қилди ишқ.

¹¹ Қиссаи Машраб. Т.: “Ёзувчи”, 1992.-Б. 41.

Машрабнинг ҳам худди шундай таълимот билан чиқиши, мавжуд тузумга норозилиги қувғинликда дарбадар ҳаёт кечиришига, Насимий сингари унинг ҳам диндорлар фатвоси билан фожеали қатл этилишига сабабчи бўлди.

Аллоҳнинг севган қули девона шоир сўфийлик рутбаси билан гадои фақр, қаландар бўлиб аллоҳнинг ошиғи бўлган бандаларнинг қалбига бир ўт қалаб ўтганлигини, мутасаввиф Офокхожанинг таълим-тарбиясини олиб, дунёнинг аччиқ майидан, аччиқлигини билиш учун, ундан озгина татиб кўриб, нафсини енгиб, «Танҳо қиличи бирлан уруб, қиймалаб ўттум», - дея сўзлайди.

Машраб илоҳий “Ишқу муҳаббат ҳосил” этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган. Қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси бу, ваҳдат майидан қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу ғоя акс этган.

Машраб тасаввуфнинг энг юксак чўққиси комилликка етишган эди, “Маърифатдан беҳабарсан, гавҳаримни кавлама”, дейди у тасаввуф фалсафасига тушуниб етмаган кишиларга.

Қуръондаги алфақру фаҳри (фақирлик менинг фаҳримдир) ибораси Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга нисбатан берилгандир. Шу йўлни танлаган Машраб қаландарлик билан халққа маърифат тарқатди.

Диссертацияда таъкидланишича, Машраб туркий халқларнинг сўфийлик ғояларига содиқ мутафаккирдир. Унинг мушоҳада ва ҳақиқат йўллари, шоир услуби мистик тамойилга яқин. У араб ва форс тасаввуф адабиёти тажрибаларига эга. У Шарқ тасаввуф шеърятининг ғазалчилигига улкан ҳисса қўшди. Сўфийликнинг қаландарлик тариқати орқали Нақшбанд ва Яссавий таълимотини ривожлантирди. Машраб тасаввуфда Мансур Ҳаллож, Шайх Боязид Бистомий, Фаридиддин Аттор, Иброҳим Адҳам, Имомиддин Насимий кабиларга издош ва маслакдошлик йўлини босиб ўтди.

Машраб тасаввуф тариқатининг ориф мутасаввифи сифатида XVII-XVIII аср мафкуравий ҳукмронларга қарши ўткир журъатли шеърлари билан жавоб берди, ўз ғояларини ижодиётида тарғиб қилди.

Тасаввуф маслаги ўзининг ривожланиш жараёнида яна бир қанча мактаблар ва фирқаларга бўлиниб кетган. Унинг Турон элида энг кўп тарқалган мактаблари яссавия, нақшбандия ва қаландария бўлиб, бу тариқат айниқса, XVII-XVIII асрларда гуллаб-яшнаган ва тушкунликка учраган даврлари кўп бўлган. Бу маслакнинг ривожини кўпинча халқ ўртасида қийинчиликлар кучайган, ҳоким синфларининг жабр-зулмлари ҳаддан ошган пайтларга тўғри келган.

XVII-XVIII асрларда қаландарлик тариқати Туркистонда кенг тарқалган. Бу тариқат ҳижратнинг 724 йилида Ҳиндистонда (ҳозирги Покистон қисмида) Абу Юсуф ал-Қаландарий томонидан асослангандир. Тасаввуфдаги бошқа бир қанча йирик тариқатларга ўхшаш қаландарлик мактабининг мукаммал дастури, муайян қонун-қоидалари бор эди.

Абдурауф Фитрат ўзининг «Машраб»¹² номли илмий мақоласида ўз даври ижтимоий фикр тараққиётига ҳисса қўшган шоир, файласуф, мутафаккир

¹² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Т.: “Маънавият”, 2000. –Б.81.

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди, у эътиқод қўйган тасаввуфнинг қаландария сулуки ҳақида қимматли фикр юритган. Ҳайратланарли томони шундаки, бу мақола машрабшуносликда аҳамиятли ва арзирлидир. Фитрат бу мақоласида Машраб ва унинг шериклари, қаландарларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг махсус кийинишлари ҳақида маълумот беради.

Машраб шу сулук таълимоти орқали тариқатни қабул қилиш сабаблари, ўз қарашлари ва ундан қўзлаган мақсадларини очиқ-ойдин сўзлайди:

Муродингга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Машраб Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган сўфийлик диний-фалсафий оқими таъсирида эди. Тасаввуфнинг ўнг қанотига мансуб бўлмиш шоирлар халқ орасида фақат инсонни худо билан бирлашувини ташвиқот қилдилар. Бунинг учун сўфийлар, тариқат тўртта қоидасига, яъни, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатга сўзсиз амал қилишлари лозим эди.

Куфр ила дин мазҳабида ҳеч кима йўқтур нисбатим,
Ҳам санаму, ҳам ошиқу, ҳам шоҳу, ҳам гадо ўзум.

Бироқ Мансурнинг ҳиммати Иброҳим ҳимматидан баландроқ эди, чунки агар Иброҳим Адҳам тож-тахт, мол-давлатдан воз кечган бўлса, Ҳусайн Мансур ҳақ йўлида ширин жонидан кечди – инсонни илоҳийлаштиргани, «мен ҳақман» (яъни худоман), дегани учун қози-муллалар уни қўл-оёқларини кесиб, дорга осиб ўлдиришга ҳукм этдилар. Ақлу тафаккур кучи, маънавий қудратга зўри етмаган нотавон бандалар ҳамма замонларда ҳам ана шу тариқа йўл тутардилар. Ҳикмат ва дониш аҳлини қийнаб, жисман йўқ қилиб, таскин топардилар, ўз бўйларига мос «ҳақиқат»лар бичиб, осойишта яшайдилар. Мансурнинг фожиали тақдири, фавқулодда жасоратли ғоялари Машрабни қаттиқ ҳаяжонга солади. Шоир уни «шаҳиди ишқ» дея алқайди, қайта-қайта ўзини унга қиёс этади, ҳаваси келади ва ўз умрининг ҳам охир-оқибатда Мансурникидай яқунланишини олдиндан башорат этгандай бўлади:

Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антаҳур,
Чарх уруб йиғлаб турурман ушбу дам дор остида.

“Қиссаи Машраб”да Машрабга унинг муршиди Офокхожа сен Маҳмудхон номли киши томонидан шаҳид қилинасан деб башорат қилган. Машраб ҳар доим шеърларида унинг тақдири Мансурга ўхшаган бўлиб, оқибатда Балх шаҳрида Маҳмудхон қўлидан шаҳодат шарбатини ичиши ҳақида эслатиб юрган:

Қонимни тўкар эмиш, Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдири азал бўлса, найлай анга бермай жон.

Умуман олганда Ҳалложга қўйилган айбларни Жунайд Бағдодий, Абу Язид Бистомий, Абул Ҳасан Ҳарақоний, Абу Сайид Майхонаий, Умар Хайёмларга ҳам, Яссавий, Ибн ал-Арабий, Аттор, Жомий, Навоий, ҳатто Бедилларга ҳам қўйиш мумкин эди. Чунки бу мутафаккирлар ҳам у ёки бу даражада худонинг моҳияти ва табиатини мансурий талқин этишган. Хусусан, Ўрта Осиёнинг яна бир мутасаввифи Бобораҳим Машраб (1711 йилда Балхда

қатл қилинган) ҳам нафақат аллоҳга бўлган ўз эътиқодида собит турган, балки ўз даврида «аналҳақ» ни «Неки битдим, ҳақ турур», «На битибмен, ҳақ сўзин битибман» шаклида ифода этган.

Яссавий қирқ беш ёшида «дори Мансур» орзусида жонидан кечишга тайёр бўлса, Машраб «Мансур дори» ишқида «жон берганинг офат эмас» деб олдиндан ўз ўлимини ўзи кутлайди:

«Минг шукр худойимга Мансурга қўшулдум мен».

Чун қўлум бирла оёғим боғламоқ хожат эмас,

Мен ўлумга розидурман, тургали тоқат эмас.

Офокхожа айтган эдилар: «Машраб бизнинг шеримиздир». У одамзодни балолардан ҳимоя этади. Машраб ҳақиқатни сўзласа-да, уни шарҳ этмайди, тушуниб олишни инсоннинг ўзига қолдиради. Шу маънода «ҳақиқат босқичи» тушунчаларингни соддалаштириб беришдир. Аҳмад Яссавий, Боқирғоний ва Машрабнинг замондоши Сўфи Оллоҳёрлар шундай йўлни тутгандилар.

Машраб тасаввуфнинг қаландария тариқати орқали халққа маърифат тарқатди, унинг қадами узок ўлкаларга, она юрти – Намангандан то Шимолий Ямангача бориб етди, илм нури ва ўз шеъриятдан кўплаб элларни, башариятни баҳраманд этди.

У шеъриятда араб ва форс адабиёти тажрибаларига эга файласуф шоир сифатида Шарқ тасаввуфининг ғазалчилигига улкан ҳисса қўшди. Сўфийликнинг қаландарлик тариқати сулуқини солиқ сифатида танлаб, у орқали Нақшбанд ва Яссавий таълимотини ривожлантирди. Машраб тасаввуфда Мансур Ҳаллож, Шайх Боязид Бастомий, Фаридиддин Аттор, Иброҳим Адҳам, Шайх Шиблий, Имомиддин Насимий тариқатини давом эттирди.

У ғазалиёти, шеърияти билан халқ оммаси диққатини ўзига қарата олди.

Машраб тасаввуф тариқатининг улкан, йирик мутасаввиф намояндаси мақомига кўтарилди ва ўз яшаган XVII-XVIII аср файласуф шоири ва мутафаккири сифатида шеърлари билан халқ дардини ифода этди, унинг эзгу ғояларини ижодиётида тарғиб этди.

Диссертациянинг **“Машрабнинг дин ва ахлоққа муносабати”** деб номланган тўртинчи бобида мутасаввиф шоир Машрабнинг исломга бўлган муносабати, мутафаккир қарашларида ижтимоий-ахлоқ масалаларининг ёритилиши, мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашларининг ўрни фалсафий руҳда тадқиқ қилинган.

... Илоҳо, йўл юрарда Машрабингни аҳли имон қил,

Саййиду хожаву дарвешу вақт қилма, мусулмон қил-

каби мисралар дин пешволарига қарши даъвати сифатида изоҳлаб келинди.

Адабиётимиз тарихида Машраб зоти ва каломининг салмоғи ғоят баланд мақомга эга. Машраб ижоди XIX аср сўнггида оддий авомга ҳам, орифга ҳам бирдек тушунарли ва яқин эди. Табақаланиш, мафкураланиш бошланган

кейинги ўн йилликлар давомида Машраб шахси ва мероси мафкуравий ур-йиқитлар сахнасига айланди.

Аммо Машраб халқники эди...

Мутафаккир шоир Машрабнинг ислом динига бўлган муносабатини ва диннинг, диний таълимотнинг унинг шеърлятида ва шоир тафаккурига таъсир этган жиҳатларини таҳлил этиш тадқиқотда мақсад қилиб қўйилган.

Машхур шарқшунос олим Ф. Роузентал ислом ва илм муносабатларига бағишланган “Илм тантанаси” асарида ислом дини мағиз-мағизигача илм олишга даъватдан иборат, деб таъкидлайди¹³. Ислום илм динидир. Шу динда этишиб чиққан ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Термизий, Бухорий, Замахшарий, Насафий, Шоший, ал-Фарғоний, Улуғбек, Жомий, Навоий ва бошқа алломалар ҳам диний, ҳам дунёвий илмларнинг тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Машраб дини исломдан чекинмаган ҳолда аввало яратган-аллоҳни, унинг пайғамбарларини, уламою киромларини шеърлярида мадҳ этди. Шунингдек, у адолатсизликни, тенгсизликни, қон тўкилишини каттиқ қоралади.

Бобораҳим Машраб одамзотнинг дардини жуда эрта англаб етди. Жуда эрта ёшидан атрофида доим бегуноҳ қурбонларни-ҳосили етилган далалари, ери пайҳон қилинган дехқонларни, боғлари кесилган ва топталган боғ-роғларни, дастгоҳлари бузилган ва ёндирилган уста, ҳунармандларни, чорвалари таланган ва бўғизланган чорвадорларни, халққа ҳақиқий маърифат беришдан ожиз қотиб қолган ақидаларни, тўтидек такрорлаган, халққа чин ҳаёт мактабини яратиб беролмаган шариат пешволарини кўрди.

Машраб яна ўз умр йўлларида хонадони тўзиган, хонумони барбод бўлган, у хон зулмидан қочиб доим бу хон зулмига тутилган, қаерга борса ўша ерда қирғинга дуч келган, бошбошдоқликдан чиқмаган, бесаранжом, кўчманчиликка гирифтор халқни кўрди. Ўзаро ички ва ташқи урушларда халқнинг асл ўғлонлари ўз қонига ғарқ бўлиб, хонлар ўз халқлари томирига тўхтовсиз болта ураётганликларини кўрди¹⁴.

XVII-XVIII асрларда Марказий Осиё халқларининг фан ва маданияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланди. Инсон даҳоси ва заковати не-не машаққатлар билан бўлса-да, ривожланишда давом этди, санъат, адабиёт, фалсафа соҳасида истеъдодли кишилар этишиб чиқди.

Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мужрим Обид, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Шариф, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқалар ўша мураккаб тарихий даврнинг эл-юрт назарига тушган фан арбоблари, атоқли шоир ва ёзувчи-олимларидир¹⁵.

Машраб имонсизлик ва эътиқодсизлик қилиб халқларни ёппасига қириб ва бадном қилиб, зулм ва зўрлик билан салтанат юргизаётган баъзи халқларни маҳшар куни аллоҳ дўзах ўтига ташлаб куйдирилини айтган:

Баъзи халқларни Худо дўзахга солиб куйдурур,

¹³ Ф. Роузентал. Торжество знания. М.: “Наука”, 1978. Стр. 84-107.

¹⁴ Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-ҳалоскор. Т.: “Шарк”, 2006. –Б.278.

¹⁵ Ж. Тўланов, З. Ғофуров. Фалсафа. Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б.81.

Найласун маҳшар кунига ҳеч макони бўлмаса.

Кўпгина олимларимиз Машрабни худосиз, у худони тан олмаган, намоз ўқимаган, рўза тутмаган деб талқин этадилар. Бундай фикрларга қўшилиб бўлмайди. Аслида Машраб намоз ҳам ўқиган, рўза ҳам тутган. Бизнингча, Машрабнинг сўфийликка берилиши унинг ижодининг қоқ томони эмас, у намозу рўзада ҳам Ҳақнинг зуҳурини ўзида мужассам этиб, вужудини Ҳаққа беради.

Келтирилган фикрдан Машрабнинг ислом динига бўлган эътиқоди нақадар кучли эканлиги, у мусулмонликнинг барча қоидаларига тўлиқ амал қилганлиги равшан бўлади.

Машраб Маккадаги қудуқдан оби замзам (сув) олиб ичади, тўрт пайғамбаримиз Абу Бакр, Али, Умар, Усмон қабрларини зиёрат қилади ва мусулмончилик фарзи пайғамбаримиз юрган жойларни тавоф этиб келади.

Машраб Қуръон чорёрлардан, Усмон бошлиқ пайғамбаримиз халифалари томонидан жамланганлигини, чорёрлар ҳам Аллоҳнинг яқин кишилари эканлигини таъкидлайди.

Машраб худодан кўрққан, шунинг учун у Каъбатуллоҳга бориб, бошини меҳробга қўяди:

Каъбаи асрорни топқаймуман деб Машрабо,
Ман худодан кўрққанимдан Каъбатуллоҳ бораман.

Машраб дунёқарашига мос ҳолда ижодига ҳос бўлган ҳолат фақат яратувчи худони, унигина тан олиш ва айни замонда шариатнинг зоҳирий талабларини инкор этиш, баъзи диний ақидаларга шубҳа билан қараш-унинг шеърларида кўриниб туради.

Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо.

Машраб худони дилига жо қилиб Маккага боришни, ёрсиз (Машраб бу ерда худо ёди билан демоқчи) ва бодасиз (худо ишқи билан) ҳеч жойга боролмаслигини эслатиб, сўнгги пайғамбарларимиздан Маккани қурган Иброҳим пайғамбаримиздан қолган худонинг уйини эски дўконга ўхшатмаяпти, аксинча худо ва унинг ёди билангина Маккага боришни, агарда у ерда унинг васлини кўрмасам, сўнгра мен учун дўзах ва жаннат бир пул дейди. Шунинг учун у дўзах азобидан кўрқмайди, жаннат ҳузур-ҳаловатига эътиборсиз қарайди:

Ёрсиз, ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,
Иброҳимдан қолган у эски дўконни не қилай?¹⁶

Бизнингча, Машраб Ҳақ ёнида туриб, дўзахда куяётган гуноҳкор осийларни ҳам, жаннатда фароғат нашъу намосини сураётган художўйларни ҳам арш кунгурасига оёғини қўйиб кузатаётганлигини яширмайди. Тасаввуф истилоҳидан хабардор киши буни осонгина тушуна олади.

Мансур Ҳаллож, Жалолиддин Румий, Фаридуддин Аттор, Машрабларнинг ниятлари шу қадар юксак. Бу маслакнинг мантиқи шуки,

¹⁶ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.62.

барча яхшилик, эзгуликлар Илоҳдан, шунинг учун Илоҳни севган киши ердаги яхши одамларни, ёру биродарлари, ота-онаси, эл-юртини ҳам севади, карамли-саховатли бўлади. Энди Машраб икки дунё нақди, хуру ғилмон, аршу курси ҳам ўзимман дейишга ҳақли.

Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим,
Шаҳид қонини тўкмоқни каломуллодин ўргандим...
Ҳама айтурки, Машраб, мунча илмни кимдин ўргандинг?
Худо лутф айлади, ман барчани мавлодин ўргандим¹⁷.

Аллоҳнинг тўксон тўққиз номи бир минг бир сифати бор. Бир минг бир сифатда ҳам Аллоҳнинг номи сирри ниҳон, яъни яширин. “Мавло” сўзи ҳам Аллоҳнинг бир номи. Демак, Машраб онадан туғилгандан бошлаб Аллоҳни дилига жо этиб, унинг лутфи-карами ва хидояти билан излаган нарсани Ҳақдан олаётганлигини айтади. Машраб худони бир сония ҳам ёдидан чиқарган эмас.

Машраб жамиятдаги барча бебошликларнинг, халқ бошига тушаётган чексиз жабр-ситамлارнинг илдизини адолатсизликдан, зўравонликдан деб билган. Шунга кўра у ўзининг ўткир қалам кучини ҳукмдор табақалари, сохтакор дин “пешво”ларини, шайхлар ва муллаларни танқид остига олади. Шоир назарида ана шу унсурлар жоҳил, маънавий бузуқ, беҳаё, ёлғончи тубан одамлардир.

Офокхожа эшон назарида Машраб Ҳақ висолига етиш бўсағасида турган комил толиб эди. Лекин пир унда руҳоний дунёдан пастга тортиб турувчи кўз илғамас ипларни ҳам кўради. Шу тариқа уни етти йил парваришлаб, камолга етказди¹⁸.

Машраб ундан етти йил таълим олади ва пири қўлидан ҳирқа кияди. Шундан сўнг Машраб мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритиб, бу даргоҳни тарк этади. Шоирнинг пири ҳузуридан кетишига Офокхожа канизакларидан бирига меҳр қўйганлиги сабаб бўлган, деган фикр ҳам бор.

Шундан сўнг Машраб бутун Ўрта Осиё шаҳарларини кезиб чиқади. Ҳиндистон, Бадахшонда бўлади. Уч марта ҳаж сафарига боради¹⁹.

Машраб зоҳидларнинг дин ва тасаввуфга зид хатти-ҳаракатлари ҳамда бойлик кетидан қувишини, фирибгарлик ва таъмагирлик билан шуғулланишининг гувоҳи бўлади, такводорлик, намоз ўрнига ваҳдат майини ихтиёр этади. У иккиюзламачилик, мунофиқлик билан шуғулланувчи фосиқ ва худбин зоҳидларнинг ярамас одатларини кўриб, исломни оёқ ости қилмасликка чақиради.

Зеро, Форобий ва Беруний, Навоий ва Бедил дунёқарашидаги соф фалсафий илоҳий тафаккур дурдоналари Машраб қарашларида ҳам тадрижий ҳолда давом эттирилди ва бойитилди, улар қолдирган бой илмий хазина турли миллатлар томонидан ўрганилмоқда.

¹⁷ Шоҳ Машраб қиссаси. –Б.5.

¹⁸ Исомиддин Салоҳий. Ижтимоий муносабатлар қурбони // “Ўзб. адаб. ва сан.”, 1997. -14 февраль.

¹⁹ Ҳомиджон Ҳомидий, Маҳмуджон Маъмуров. Наманган адиблари. Т.: “Фан”, 2007. –Б.18.

Мутафаккирнинг ғоявий муҳолифлари унинг илғор фикрларини бузиб, барча тараққийпарвар ғояларга қарши курашда унинг номидан фойдаланишга уриндилар.

Мутафаккир Машрабнинг ислом дини ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлари реал борликда уч асрки, ҳақиқат йўлида инсониятга маънавий мадад бериб келмоқда. Машраб қарашлари унинг ижодини мафкуравий муҳолифлари томонидан шу пайтгача бир томонлама бузиб, нотўғри талқин этишларига қарамай, у ўтган асрларда, бугунги кунда ҳам Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий фикри равнақига катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

Диссертацияда мутафаккир қарашларида ижтимоий ахлоқ масалаларининг ёритилишида салафларнинг, хусусан, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Довоний, мутасаввифлардан Иброҳим Адҳам, Боязид Бастомий, Мансур Ҳалложнинг комил инсон ҳақидаги ғоялари, ахлоқий фазилатларни эгаллаш тўғрисидаги қарашлари, шубҳасиз, Бобораҳим Машраб ахлоқий фикрларига таъсир қилди. Мутафаккир асарлари зиддиятли, эркин фикрларга бой инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган ва у Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий тафаккур тарихида муҳим роль ўйнайди.

Машрабдан бой бадиий мерос қолди. Унинг кўплаб ғазал ва рубоийлари, мухаммасу мусаддаслари халқ орасида машҳурдир. У ўша вақтда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган тасаввуфнинг қаландарлик оқимида эътиқод қилиб, жамиятдаги адолатсизликка қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилди.

Машраб ижодида ижтимоий-ахлоқий мавзудаги «Мабдаи нур» ва «Кимё» шеърӣ асарлари алоҳида ўрин тутди. «Мабдаи нур» нинг аҳамияти, мазмуни ва Машрабга тегишли эканлиги ҳақидаги турли мунозараларга Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг аниқлик киритиши ва унинг чоп этилиши ҳақида академик Алийбег Рустамов, профессор Ботирбег Ҳасановлар ўз муносабатини билдириб шундай ёзди: «Бобораҳим Машрабнинг ҳаёт ва ижод йўли мурақаб, турли афсонаю ривоятларга бой. Булар ҳақида фикр юритиш учун машрабшунослар олдида ягона манба «Девонаи Машраб», «Шоҳ Машраб» ва «Қиссаи Машраб» номли асаргина мавжуд эди. Асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари кўп.

Шарқшунос В.А.Вяткин (1869-1932) 1923 йили Тошкентда босилиб чиққан «Сборник Туркестанского Восточного института в честь профессора А.Э.Шмидта» тўпламидаги «Фарғоналик мутасаввиф «Девонаи Машраб» мақоласида Машраб халқ орасида машҳур тасаввуфий-ахлоқий «Мабдаи нур» асарини ҳам ёзганини айтиб ўтади.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти китоб хазинасида «Мабдаи нур» нинг 19 қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Шулардан 9 таси илмӣ тавсиф қилинган. Бу тавсифлар машҳур шарқшунослардан В.И.Беляев, А.Н.Кононов, Н.Д.Миклухо – Маклай, А.А.Молчанов, Н.Д.Салье, А.А.Семёнов, О.И.Смирнова, А.Э.Шмидт томонидан амалга оширилган.

Тавсифларда «Мабдаи нур» муаллифи Машраб тахаллуси билан машхур бўлган Мулло Муҳаммад Бобораҳим Девонаи Намангоний деб кўрсатилган²⁰.

«Мабдаи нур» ҳикоя ва ривоятларида дунёга хирс қўйиш, молпарастлик жуда қаттиқ қораланган. Шоир бойлик, айниқса, ҳаром топилган мол-мулкни нажосат, жийфа (ўлимтик) деб атайди, дунёпараст, молпарастлар мусулмонлигу кофирликни фарқига бормади, дейди:

Жийфаи дунёга ҳар ким бўлди ғарқ,
Куфру иймонни қилолмас ҳеч фарқ.

«Кимё» Машрабнинг «Мабдаи нур»дан кейинги тасаввуфий ахлоқий-тарбиявий, маснавий усулида ёзилган шеърӣ асари.

«Кимё» – энг қимматбаҳо, энг фойдали, ибратли панд-насихатлар дурдонаси маъносида ишлатилган. Китоб йигирма кимё (боб) дан иборат. Ҳар бир кимё орасида «Мабдаи нур»даги каби буюк кишилар ҳақидаги ибратли ҳикоялар берилган. Жами 42 ҳикоят бор. Баъзи «кимё»лар узун, айримлари эса қисқа. Бу китобда Машраб ғазаллари йўқ.

Ҳар иккала асар ҳам жуда муҳим фалсафӣ ахлоқӣ, тарбиявий, илмӣ аҳамиятга эга бўлиб, Машраб асарлари сифатида халқ томонидан ўкилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган «Мабдаи нур» ва «Кимё» ҳақидаги дастлабки илмӣ фикрлар XX аср бошларига тўғри келади.

«Мабдаи нур» - «Маснавий» нинг туркий тилдаги шарҳидир.

«Мабдаи нур»дек асарни ёза олиш учун Жалолиддин Румий каби авлиёларнинг буюкларидан бири бўлиш лозим эди. Бобораҳим Машраб замонасининг қутбул-ақтов унвонига сазовор бўлган ана шундай валийлардан бири эди. Қутбул-ақтов-авлиёларнинг буюги демакдир.

Авлиёлик – аллоҳга яқинлик демакдир. Ўзини ҳаммадан кам деб билган инсон ҳаммага муҳаббатлик инсондир. Ҳаммага муҳаббатлик инсон ҳаммадан ҳам аллоҳни севувчи инсондир. Пайғамбарларга мўъжизалар кўрсатиш жоиздир: Шуҳрат талабнинг кейнида офат турур.

Машраб ғазалларида аввало пайғамбарлар – Иброҳим Халилуллоҳ, Муҳаммад (с.а.в.), Юсуф Канъонни тез-тез тилга олади. Шунингдек, Аллоҳ васлига етган азиз авлиёлар, мутасаввиф сўфийлар Иброҳим Адҳам, Боязид Бастомий, Жунайд Бағдодий, Имомиддин Насимий, айниқса, Мансур Ҳаллож сиймосини кўрсатишга интилади.

Махдуми Аъзам “илмни шу илмнинг қадрига етадиган ва илмни фақат эзгулик мақсадларида қўллайдиган кишиларгагина ўргатиш лозим. Илмни, уни қадрламайдиган кишига ўргатиш-илмни беҳуда исроф қилишдир”²¹, -деб таъкидлаган.

Махдуми Аъзам ва унинг авлодларининг Шарқий Туркистонда олиб борган фаолияти мисолида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқларининг маданий алоқаларини ёрқин кўрсата оламиз. Ўрта Осиё саййидлари Шарқий Туркистонда ислом дини ва диний-ахлоқӣ, таълим-тарбиявий, фалсафӣ-

²⁰ И.Абдуллаев. Машраб ва «Мабдаи нур» // “Ўзб. Адаб. ва сан.”, 1991. -12 апрель.

²¹ Бахтиёр Тўраев. Махдуми Аъзам-мутафаккир. Самарқанд.: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2014. –Б.17.

ирфоний фикрларнинг тарқатилишида катта рол ўйнаган деган хулосалар чиқара оламиз.

Ана шундай катта дидактик-ахлоқий-таълимий тасаввуф мактаби яратган, Шарқий Туркистонда, кўшни Хитой музофотларида ислом дини ғояларини ёйган Офоқхожадек улуғ, шайхул аъзам даргоҳида Машрабнинг ихлос билан исломий-тасаввуфий илмларни олиши, унинг даргоҳини азизу мукаррам деб билиши, унга солиҳ мурид тушиши, уни ўзига раҳнамо деб билиши, унинг ўғитларини олиб Офоқхожага қарата: «Насихатлар қулоғимга пиримдан англаган қулман» дейиши, бу даргоҳни муқаддас билиши ва Офоқхожага содиқ муридлиги эди.

Махдуми Аъзам инсон ҳукмига инъом этилган оламни яшнатиш ғоясини ўзининг эътиқодига айлантириб ўз ижтимоий-социологик фикрлар тизимини шу ғоя асосига қуради. Лекин у бу ғояни амалиёт билан боғлаб, халқ ичига юриш қилди, унинг дарди, талаб ва эҳтиёжи билан бирга яшади. Халқ манфаати, юрт осойишталиги учун курашиб, ҳар қандай тўқнашув ва жанжалларнинг олдини олиш учун ташаббускорлик кўрсатди²².

Бобораҳим Машрабнинг дидактик-панд насихат ҳақидаги мухаммаслари ҳажман катта ва ижтимоий-маънавий нуқтаи назардан ҳар бир инсонга, айниқса камолот ёшидаги ўсмирга таълим-тарбиявий жиҳатдан кўмак берувчи шеърӣ асардир. Шундай мухаммаслардан бири «То отанг рози эмас...» мавзусидаги шеърдир.

Ота улуғ зот. Ота – инсониятнинг бош бўғини. Аллоҳ отамиз ва пайғамбаримиз Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратди. Фоний дунё ҳаёти шундан бошланади.

Отамиз ва пайғамбаримиз Одам алайҳиссаломга яратилган кунлардан бошлаб Аллоҳ билим ва маърифат ато этган. Билим ва маърифат нури билан ул зотни фаришталардан устун қилган. Мана шундай тадбир боис, инсоният аллоҳ қодир қилганича борлиқ сирларини ўрганиб, ўзлаштириб келади. Дунёвий ҳаётини амалларга сарф этади. Охиратини обод қилишга уринади, инсониятни бундай амалларга ўргатган биринчи муаллим бу отадир:

Ким падарозордур, ондин Худо безордур,

То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.

«Арш аъзамдин улуғдур бандага амри падар» деб отани улуғлайди. Машрабнинг фикрича, инсон волид-ота олдида беадаблик қилмаслиги, унинг олдида ўзини кулдек тутиши лозим. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича, Расулulloҳ: «Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир», деганлар. Мутафаккир фикрича, ота тарбиясини, ўғитини олган оқил киши касофат иш қилмайди. Ҳеч кимга хиёнат қилмайдиган киши ота тарбиясидан баҳраманд бандаи мўъминдир. Падарига озор берувчига Яратган ҳам шафоат қилмайди. Ота розилиги Унинг, Яратган розилигидир:

²² Соҳибназар Каримов. Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2016. –Б. 329.

Муножотларда Машраб Тангрининг ягоналиги, буюклиги, раҳмдиллиги каби тўқсон тўққиз сифатини улуғловчи дил изҳорини битган.

Машраб Намангоний муножотларини изтиробсиз, дилда Ҳаққа интилишсиз ўқиб бўлмайди. Мутафаккир XVII асрдан туриб келажак ёшларига, авлодларга инсофу тавфиқ, ризқ-рўз, сиҳат-саломатлик, ўзаро иттифоқлик ва яқдиллик тилаган. Унинг ҳар бир муножотида дидактик ғоялар акс этган.

Мутафаккирнинг ижтимоий-маънавий ва дидактик қарашлари ҳақида хулоса чиқаришда аввало, Шарқда таълим-тарбиявий, ахлоқий-маънавий йўналишда ижод этган Яссавий, Умар Хайём, Кайковус, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Навоий асарларининг Машраб ижодига таъсирини назарда тутмоқ керак.

Шарқ тасаввуфий қарашларидаги комил инсон ва унинг сиймоси Машраб шеърлятига кўчган.

Машраб дунёқарашига таъсир этган унинг маънавиятини бойитган омил Махдуми Аъзам чевараси бўлган Офокхожа хонадонида таълим-тарбия олиб, камолга етганлигидир. Шу боис у ўз шеърлярида тасаввуфна истилоҳлар қўллаган, тасаввуф адабиёти намояндалари ижодига эътиборини қаратган. Шеърлярида йирик мутасаввифларнинг номларини тилга олган. У фарзандларга мурожаат қилиб, аввало Яратувчига ҳамд, сано, наът, суруд ва дуруд ўқиган. Сониян, ота-онага муҳаббатли бўлишга, уларнинг ўғит насиҳатларини тинглашга, ибратомуз, намуна бўладиган жиҳатларини ўзлаштиришга даъват этган.

У яратган шеърлят дидактик ва маънавий қарашлари долзарблиги, мазмун-моҳиятининг теран ва фалсафийлиги билан қимматли ва бугунги кун талабига жавоб бера олади.

ХУЛОСА

“Бобораҳим Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Мутафаккир яшаган XVII-XVIII асрларда даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи қанчалик катта иқтисодий, шарт-шароит ва имкониятларга эга бўлмасин, марказий ҳокимиятнинг заифлашиши, маҳаллийчилик, сиёсий бошбошдоқлик, мамлакат ва давлатнинг барча қудратларини кесиб юборади. Аштархоний Назр Муҳаммад замонида бошланган сиёсий барқарорлик юз йил ўтиб сулола инқироzi ва давлатнинг учга бўлиниб кетиши билан тугади. Замонанинг энг илғор ютуқларидан миллий манфаат йўлида фойдаланишга масъул ҳукмрон кучлар, сулолалар тобора ўз қобикларига ўралашиб, маҳаллийчилик, сулолавий манфаатлар қарама-қаршилиги асоратидан чиқа олмаганлар. Бу ҳол Мовароуннаҳрни давлат таназзулига олиб келди.

2. Бобораҳим Машраб яшаган XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр ўлкасида ижтимоий-маънавий муҳит, санъат, маданият, маърифат муайян даражада ўзига хос даражада тараққий этди. Ўрта асрлар ўзбек адабиётида наср ва назм билан тузилган тарихий ва фалсафий асарлар ҳокимлар, хон ва аъёнларнинг қараш ва мафқурасини акс эттирди. Халқнинг турли қатлам ва тоифалари орасидан Саидо Насафий, Турди Фароғий, Равнақ, Гулханий, Роқим, Нишотий, Андалиб, Хувайдо, Сўфи Оллоҳёр, Юсуф Қорабоғий, Абулғозихон, Машраб каби ҳурфикрли шоир ва мутафаккирлар етишиб чиқди, улар жамиятнинг орзу-умидлари ва қарашларини ўз ижодларида акс эттирдилар.

3. Мазкур тадқиқотда Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодига аниқликлар киритиб, биз туркий халқларга ҳали эълон қилинмаган унинг 1000 (минг)га яқин ғазал ва мухаммаслари хатирчилик Жалолиддин Юсупов томонидан топилиб, энди эълон қилинишини билдирмоқчимиз. Шу билан бирга унинг «Вайсул Қараний» 180 байтдан иборат (Қиссайи Вайсул Қаран) ҳикоят битганлигини маълум қилмоқчимиз. У мункиллаган чол 71 ёшда эмас, ҳисоблашимизча, Маҳмуд катағонбий ва унинг беклари билан мунозара ўтказганлиги, ўлимига аввалдан пири комили Офоқхожа фатво берганлиги ва у айна ижоди барқ урган давр 58 ёшида қатл этилганлиги айна ҳақиқатлигини эътироф этмоқчимиз. Машрабнинг ўлими оддий ўлим эмас, балки пири қалбига Илоҳиётдан аъён бўлиб, содир бўлиши муқаррар ўлим эди.

«Бизнинг ўлимимизга мойил тутманглар», барча сўфийлар каби Машраб ҳам бу ўлимни тақдири азалий деб қабул қилган.

Бобораҳим Машрабдан улкан, ижтимоий-маънавий мерос-ғазаллар, мустазодлар, мухаммаслар, мураббаълар қолди.

Машраб ижодида «Мабдаи нур» ва «Кимё» шеърый асарлари алоҳида ўрин тутади.

«Кимё» ҳам диний-фалсафий, ахлоқий-маърифий асар бўлиб, унинг мундарижасини 22 та кимё, 37 та ҳикоят ташкил этади.

4. Машраб ижтимоий-фалсафий қарашларининг илдизлари Мовароуннаҳр маданий ривожланиш жараёнида Ўрта осий халқлари орасидан етишиб чиққан Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий, Бобур каби файласуф олим ва мутафаккир шоирлар дунёқарашини Машраб янада ривожлантирди ва улар маънавий меросини чуқур ўзлаштириб бойитди. Бобораҳим Машраб Шарқнинг барча ҳурфикрли мутафаккирлари каби омма-жамият бахтли турмуш йўлини излади, лекин уни топа олмади. Бу мутафаккирнинг айби эмас, балки у яшаган ва ижод этган ижтимоий-тарихий муҳитнинг натижасидир.

5. Бобораҳим Машраб ижтимоий қарашлари ҳали фалсафа, социология, адабиёт тарихларида таҳлил этилмаган, муаллиф нуқтаи назаридан уни таҳлил этишни, шоир олдидаги бурч ҳисоблаб, уриниш қилинганлигини қайд этамиз.

Мутафаккирнинг шахс ва жамият ҳақидаги қарашлари умуминсонийдир.

Машрабнинг шахс ва жамият ҳақидаги концепцияси: «Азалдан мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим». Унинг шахс ҳақидаги концепцияси моҳияти янада ижодида чуқурроқ шарҳланади: «То кишига дард тегмай бўлмади бағри кабоб, Дилда дардинг бўлмаса сардафтаримнинг кавлама». Машраб шуни англаган, инсонни, шахсни – жамиятдаги ўрнини билишга танишга чорлаган шоир.

Машраб дўзахга кўксини қалқон қилиб ҳайқирган: «Аё, дўзах, мени куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз!»

6. Мутафаккир Машрабнинг ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги фикрлари салафлари фикрига яқинлиги билан аҳамиятлидир.

Машраб замондош амиру бекларни, шоҳу султонларни инсоф ва адолатга чақирган. Баъзи инсофсиз ва адолатсиз, риёқору бадахлоқ амирлар, шаҳар қозисию уламози Машрабни кўрганда, Аҳраман девни кўргандек қочадилар. Шоҳларга мурожаат қилиб у: «Лашкари хунрез, бўлса сабр-ором қайда бор?!» деб огоҳлантиради. «Шаҳид қонини сипқорғон шаҳаншоҳлардан орим бор», - деган Машраб ҳеч кимни аямаган, ижтимоий нотенгликни ва адолатсизликни гоҳо заҳарханда кулгу, гоҳо ҳажв билан ошкор этган.

Мутафаккир салафлари каби мукамал ва адолатли жамият бўлишини орзу этган. Машраб ва Насимийнинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзаро ҳамоҳангдир.

Машраб шеърляти тадқиқотчиси Ж.Юсупов халқни жаҳолат ва кўрқувда сақлашдан манфаатдор бўлган шахсларнинг риёкорликлари, адолатсизликлари ва қонхўрликлари Машраб қалбини уларга нисбатан нафратга тўлдирган деб ёзганида ҳақли эди. У ҳаммани ўзидек соф бўлишини: «Машраби софинг қани?» дея талаб қилади.

7. Машраб тасаввуф тариқатининг ориф мутасаввифи сифатида XVII-XVIII аср мафкуравий ҳукмронларга қарши ўткир журъатли шеърлари билан жавоб берди, ўз ғояларини ижодиётида тарғиб қилди.

Ўзбекистондаги тараққийпарвар, ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихини Машрабсиз, унинг ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бобораҳим Машрабга сўфийлар Жунайд Бағдодий, Иброҳим Адҳам, Боязид Бастомий, Шайх Шиблий, Мансур Ҳаллож, Насимий, Яссавий тасаввуфона қарашлари таъсири чексизлиги сезилади.

Таъкид этмоқ керакки, Машрабнинг пири комили, устози Офоқхожанинг тасаввуф мактаби, пирнинг иршод бериши ва унинг шогирдини маънавий тарбияси, Машрабнинг устоз ўғити ва унинг хизматини сидқидилдан бажариши, бир-биридан огоҳлиги ва англаши энг муҳим жиҳатдир.

8. Тасаввуф тариқатини Абдурахмон Жомий мулозамати билан Алишер Навоий ҳам қабул қилган эди. Тасаввуф нафсни поклаб, риёзатга берилиб, ҳақ йўлига киришдир. Тасаввуф комиллик йўлидир.

XVII-XVIII асрларда тасаввуфнинг қаландария тариқати Туркистонда кенг тарқалди. Фитратнинг ёзишича, қаландарлар ҳафтада икки дафъа

тиланчиликка чиқиб, Яссавий, Машраб ғазалларини ўқир ва тушган пулни қаландарбошига берар ва шундан улар таъмин этилган.

Уларнинг ўзига хос расмий кийимлари бўлган.

Мутафаккир Машраб қаландарлик орқали ўз қарашларини ифода этади:

Ҳақиқатни очай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Қаландария ўз дастурини тасаввуфнинг яссавия ва нақшбандия таълимотидан олган эди. Тасаввуф ислом дунёсида фалсафа, сиёсат, диний ахлоқ, санъат, шарқ мумтоз шеъриятига кучли таъсир кўрсатган таълимот эди.

Машраб тасаввуфда Мансур Ҳаллож йўлини танлади, Румий шеъриятидаги Илоҳий «мен» ликни англади, Яссавий тариқатида эргашди, нақшбандия сулуқини қабул қилди, Иброҳим Адҳам, Боязид Бастомий ва Имомиддин Насимий каби ўзлигини йўқотмади.

Маҳдуми Аъзамнинг эвараси Офоқхожа мурид Машраб дунёқарашига таъсир этди: «дилда сўфиймизки, авсофи ҳақиқат биздадур», - деган Машраб Офоқхожа этагидан ушлади. У тасаввуф тариқати, унинг сулуқини ушлаб, дунёнинг деярли ярмига ўзбек шеъриятини тарғиб этди ва бу тариқатнинг йирик намоянчасига айланди.

9. Аввало Машраб комил мусулмон, у исломий руҳда илм ва таълим-тарбия олди. Унинг Намангандаги устози мулла Бозор охунд ва Қашқардаги пири комили Офоқхожа ҳам дини исломнинг шаръий аҳкомларини мукамал эгаллаган, бошқа шогирдлар қатори Машрабдек истеъдодли, қувваи ҳофизаси баланд шогирдга меҳр муҳаббат билан, аслида айрича муносабатда бўлган. Ундаги аллоҳга яқинликни, илмни ўз пайтида англашга, Машрабни ўзига хос ўз таълимотлари билан тарбиялашган. Мулла Бозор охунд Офоқхожа даргоҳида барча исломий билимларни эгаллаган шоир Машрабни, тасаввуф таълимоти билан қуролланиб, авлиёлик мақомига эришиб, тариқат йўлига кирган, қаландарликни танлаб юрт кезган, подшолар ва беку аёнларга адолат ва инсоф билан юрт тебратишни ижоди билан англаган. Жамиятни тарбиялашда аллоҳ нурини, пайғамбар ҳаётини, Қуръон мазмун моҳиятини тушунтира билган. Унинг исломий дунёқарашини шаклланишида Яссавий ва Нақшбанд, Румий ва Насимий, идеал шахслар Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Шайх Шиблий ва бошқа буюк мутафаккир алломаларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди ибрат бўлиб, мутафаккир шеърларида салафларнинг ишини давом эттирганлигини, улардан ўрнак ва мадад олганлигини эслатади.

10. Тасаввуфда ахлоқ нафси жиловлашдир. Машрабга замондош Юсуф Қорабоғий ва Сўфи Оллоҳёрларнинг ҳам ижодиётини ижтимоий-ахлоқий асарлар ташкил этган. Шоҳ Машрабнинг илк устози мулла Бозор охунд дер эканлар: “Машрабга озор берманглар, Фарғонаи заминнинг дардини ул кўтарур!”

Машраб зоҳидларнинг дин ва тасаввуфга зид хатти-ҳаракатлари ҳамда бойлик кетидан қувишини, фирибгарлик ва таъмагирлик билан шуғулланишининг гувоҳи бўлган, тақводорлик, намоз ўрнига ваҳдат майини

ихтиёр этган. У иккиюзламачилик, мунофиқлик билан шуғулланувчи фосиқ ва худбин зоҳидларнинг ярамас одатларини кўриб, исломни оёқ ости қилмасликка чақирган.

Зеро, Форобий ва Беруний, Навоий ва Бедил дунёқарашидаги соф фалсафий илохий тафаккур дурдоналари Машраб қарашларида ҳам тадрижий-фалсафий давом эттирилди ва бойитилди, улар қолдирган бой илмий хазина турли миллатлар томонидан ўрганилмоқда.

11. Бугунги кунда Махдуми Аъзам ва Хожа Аҳрор ижтимоий-маънавий ва дидактик асарларига мурожаат қилинмоқда.

Салафларнинг фикрларидан маънавий озуқа олган Машраб, у шеърларида илгари сурган ғоялар, ижтимоий-маънавий, дидактик-таълимий жиҳатидан бугунги кунда ҳам эътиборга лойиқдир.

Машраб инсоний фазилатларни, ахлоқий хислатларни аллоҳдан қидиради, инсонга хулқ-одоб қоидаларини сингдириш, ёмон хулқлардан халос бўлиш ҳақида ўғит беради.

Шу жиҳатдан мутафаккирнинг ахлоқий-таълимий, маънавий-дидактик «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари қимматлидир. «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари мураккаб фалсафий асарлардир. Ҳар икки китобларда инсониятнинг аввалияти ва охирати баён қилингандир. Агар бизнинг кейинги ўн асрда икки мингдан ошиқ авлиё ўтган бўлиб, улар бизнинг гуноҳимизни яратгандан сўраган бўлса, шулардан бири Шоҳ Машрабдир.

12. Бугунги кунда Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги йўлидаги мафкуравий қийинчиликларни енгиш барчамизнинг сабр-тоқатли бўлишимизни, кўп миллатли халқларнинг мустаҳкам бирлигига эришувини тақозо қилмоқда. Бу ҳаммани бузғунчи ғоялардан чекиниб, инсофга чорлайди. Инсоф ҳам одамзотнинг, шу жумладан, халқимизнинг йиллар мобайнида қўлга киритган ахлоқий дурдоналаридан биридир. Инсоф-виждон рамзи, маънавий поклик, ахлоқийликнинг чўққиси, ҳалоллик ва софликнинг мезонидир.

Мутафаккир Машрабнинг ислом дини ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлари реал борлиқда уч ярим асрки, ҳақиқат йўлида инсониятга маънавий мадад бериб келмоқда. Машраб қарашлари унинг ижодини мафкуравий муҳолифлар томонидан шу пайтгача бир томонлама бузиб, нотўғри талқин этишларига қарамай, у ўтган асрларда, бугунги кунда ҳам Марказий Осиё ва бошқа Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий фикри равнақига катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

Мутафаккир шоир Бобораҳим Машрабнинг тафаккур маҳсули ва фалсафий маҳорат билан яратилган турфа образлари, юксак ғоялар ва ахлоқий қоидалар бугун ва эртанги кун учун аҳамиятини йўқотмай хизмат этиши муқаррардир.

Машраб ижтимоий-ахлоқий мероси, у қолдирган бетакрор шеърият ўзбек халқининг ўтмиш маънавий ҳаётининг ривожланишида алоҳида саҳифа очди. Машраб қолдирган юксак шеърият халқчиллиги билан башариятни бундан кейин ҳам ўзига ром қилаверади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
№DSc.27.06.2017.F.02.02.
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХОШИМХОНОВ МУМИН

**БАБАРАХИМ МАШРАБ И РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНО-
ПРАВСТВЕННЫХ ВЗГЛЯДОВ В XVII-XVIII ВЕКАХ**

09.00.03- История философии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд - 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.1.DSc/Fal.12.

Докторская диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте имени Абдуллы Кадыри

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ik-falsafa@nuu.uz и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный консультант:

Бахтиёр Тураев

доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Нуритдинов Махмудхужа

доктор философских наук, профессор

Сафарова Нигора Олимовна

доктор философских наук, профессор

Кодиров Мухаммаджон

кандидат философских наук, доцент

Ведущая организация:

Национальный Университет

Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.09.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ____ часов “____” _____ 2018 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована под №____). (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан “____” _____ 2018 г.

(Протокол №__от “____” _____ 2018 г).

Н.Х.Хакимов

заместитель председателя Учёного
совета по присуждению учёных степеней
доктор философских наук, профессор

А.Р.Самадов

учёный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
кандидат философских наук, доцент

Ш.С.Кушаков

председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация на докторскую (DSc) диссертацию)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интеллектуальное богатство ученых Востока, являющееся неповторимой сокровищницей духовного наследия народов мира, в настоящее время служит не только исламу, но также развитию духовности, культуры всего человечества, обогащению общечеловеческих ценностей. Одним из таких мыслителей является Бабарахим Машраб. В сохранении исторического наследия, его изучении и передаче из поколения в поколение передовые идеи Машраба, воспевающие общечеловеческие ценности, являются духовным наследием, оказывающим влияние на развитие гуманистической мысли человечества. Значение и актуальность изучения социально-философского наследия великих личностей заключается в том, что они были мыслителями, сумевшими органически согласовать светское и божественное.

Исследование философских идей Бабарахима Машраба в истории развития мирового научно-философского наследия с точки зрения требований сегодняшнего дня имеет важное значение в формировании духовного облика молодежи, защите ее от различных чуждых идей, формировании идеологического иммунитета в их сознании.

В годы независимости в нашей стране одной из важных задач, как утверждает Президент Шавкат Мирзиёев, является: “Всесторонне глубокое изучение и пропаганда уникального наследия, поучительной жизни и социальной деятельности великих литераторов и мыслителей, формирование у молодежи самосознания, воспитание ее в духе уважения к национальным и общечеловеческим ценностям”²³, усилилось почитание великих мыслителей и ученых Востока и их духовно-социального наследия, возвращены народу передовые идеи, философские, этические, политические, суфийские, религиозные, духовные, образовательные взгляды мыслителей, которые они внесли в развитие общественной мысли. Одним из таких мыслителей является Бабарахим Машраб, поэтому важное значение не только для нашей страны, но и в мировом масштабе имеет освещение с научной точки зрения сущности и содержания таких его идей, как верность гуманизму и исламским ценностям, воспитание совершенного человека. В настоящей работе подвергнуто системному исследованию научное наследие Бабарахима Машраба, направленное на воспитание подрастающего поколения в духе почитания духовного наследия, верности великим ценностям.

